Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ **23 февраль 1974 йил шанба** ◆ № 46 (15.826). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ТИНЧЛИК ПОСБОНЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Қозоғистон ССР, Белоруссия ССР ва Ростов области қишлоқ хўжалиги механизаторларининг ташаббуси тўғрисида

КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалик техникасидан юқори унумли фойдаланиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришни таклиф этган Қозоғистон ССР, Белоруссия ССР ва Ростов областидаги колхоз, совхоз механизаторларининг, «Сельхозтехника» корхонала, ташкилотлари ишчилари ва инженер-техник ходимларининг ташаббусини маъқуллади.

КПСС Марказий Комитети иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область ва район партия комитетларига ана шу ташаббусни қўллаб-қувватлаш, колхозларда, совхозларда ва «Сельхозтехника» бирлашмаларида техникадан фойдаланишни қатъиян яхшилашга, машиналарнинг смена ва кунлик иш унумини оширишга қаратилган конкрет тадбирлар системасини ишлаб чиқишни ва амалга оширишни ташкил қилишни тавсия этди. Шу билан бирга зарур миқдордаги механизатор кадрларни тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга, тракторлар ва комбайнларнинг икки смена ишлашини таъминлашга, машина-трактор паркини ремонт қилиш сифатини оширишга, техникавий хизмат кўрсатишни яхшилашга, техникани сақлашни таъминлашга ҳамда машина ва механизмларнинг хизмат муддатини узайтиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАСИНИ ЮКСАК ДАРАЖАДА УНУМЛИ ИШЛАТАЙЛИК

ҚОЗОҒИСТОН ССР, БЕЛОРУССИЯ ССР ВА РОСТОВ ОБЛАСТИ КОЛХОЗЛАРИ, СОВХОЗЛАРИ, «СЕЛЬХОЗТЕХНИКА» БИРЛАШМАЛАРИ МЕХАНИЗАТОРЛАРИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Қозоғистон ССР, Белоруссия ССР, Ростов области колхозлари ва совхозларининг механизаторлари, «Сельхозтехника» корхоналари ва ташкилотларининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан 1974 йилни зарбдор меҳнат билан нишонлашга қарор қилдилар ва қишлоқ хўжалик техникасидан юксак даражада унумли фойдаланиш учун кенг социалистик мусобақа бошлашни таклиф қилдилар.

Машина ва механизмлардан фойдаланишни яхшилаш деҳқончилик маданияти учун, дала ишларининг муддатларини қисқартириш ва юқори сифатли бўлиши учун курашда, ҳосил учун курашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Машина-трактор паркининг иш унумини оширадиган ҳамма резервларни ишга солишни: дала ишлари бошлангунча техникани ўз вақтида ва юқори сифатли ремонтдан чиқаришни, долзарб пайтларда машина-трактор агрегатларини икки смена қилиб ишлатишни таъминлашни, бунинг учун зарур кадрларни етарли қилиб тайёрлаб қўйишни, илғор меҳнат усулларини эгаллаб олишни, ўзларининг ишлаб чиқариш малакаларини оширишни механизаторлар ўз олдиларига вазифа қилиб қўйдилар.

Техникавий хизмат кўрсатишнинг прогрессив формаларини жорий қилишга, машиналарни ишлатиш ва сақлаш қоидаларига қаттиқ риоя қилишга. техникани авайлаб асрашга, машиналарни сақлаш учун зарур шароит вужудга келтиришга ва шу тариқа уларнинг хизмат муддатини кўпайтиришга, бемаҳал ишдан чиқиб қолишига йўл қўймасликка, ремонтга кетадиган сарфларни қисқартиришга алоҳида эътибор берилди.

Мусобақа ташаббусчилари ўз зиммаларига қуйидаги конкрет мажбуриятларни олдилар:

ҚОЗОҒИСТОН ССР

Трактор паркининг иш унуми ўтган йилдагига нисбатан 5 процент оширилади, ғалла комбайнларининг ҳар сменада ўриб-йиғиб берадиган ғалласи 10 процент кўпаяди. Бу эса қишлоқ хўжалик ишларини энг яхши агротехника муддатларида ўтказишга; бошоқли экинларни кўкламги экишни 8-10 иш кунида ўтказишга, ғалла ҳосилини эса 18-20 иш кунида ўриб-йиғиб олишга имкон беради. Барча қишлоқ хўжалик ишларини юқори сифатли қилиб ўтказишга эришилади. Бунинг учун тупроқни экишдан олдин ишлаш, экин экиш, ҳосилни ўриб-йиғиб олиш, ўрим-йиғимдан кейинги ишларни ўтказишда, ерларнинг кузги шудгор ва қора шудгор қилиб қўйилишида агротехника талабларига қаттиқ риоя қилиш ҳосилдорликни оширишнинг ва маҳсулот нобуд бўлишига йўл қўймасликнинг муҳим шарти эканлиги назарда тутилади;

тракторлар ва тупроқни ишлаб берадиган машиналар ремонти жанубий зонада февраль ойининг учинчи ўн кунлигида, қолган областларда 15 апрелда тугалланади. пичан ўриш техникаси жанубий зонада 1 майда, бошқа областларда 20 июнда, ғалла комбайнларининг, пичан ўриш комбайнларининг, жатқаларнинг, ўрим-йиғимда ишлатиладиган бошқа техниканинг ва дон тозалаш машиналарининг ремонти жанубий областларда 20 майда, қолган областларда 20 июнда тугалланади. Машина-трактор паркини ремонт қилишда ишлатиладиган маблағларнинг 2,5 процентга тежалади:

тракторларнинг техникавий тайёрлиги 93 процентга, комбайнларники 100 процентга етказилади;

«Казсельхозтехника» корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланилади. Шу системага қарашли барча корхоналар йиллик планни 27 декабргача бажариб бўладилар ва пландан ташқари 2,6 миллион сўмлик маҳсулот берадилар. Агрегатлар ва узелларни ремонт қилиб бериш, ишдан чиққан деталларни қайта тиклаш ишлари кенгайтирилади, хўжаликларни запас қисмлар ва материаллар билан таъминлаш яхшиланади. Ремонт сифати оширилади, ремонтдан чиқарилган машиналар ишлашининг гарантияли муддатлари таъминланади, уларнинг ишлаш ресурсларини кўпайтиришга эришилади.

Машина-трактор агрегатларининг пухта ва узлуксиз ишлаши таъминланади, машиналарнинг бекор туриб қолишига йўл қўйилмайди, машиналарга юқори сифатли техникавий хизмат кўрсатиш ташкил этилади. Шу мақсадда дала ишлари ўтказилаётган даврда созловчи мастерлардан иборат 5.800 та звено ташкил этилади.

Ҳосил ўрим-йиғими муддатларини қисқартирмоқ ҳамда ўрим-йиғим техникасидан ва автотранспортдан яхши фойдаланмоқ, катта группавий методи билан ишлайдиган комбайнчилар ва шоферлардан иборат 1.500 та комплекс бригада, донларни ташиб беришда прицепли тракторлардан фойдаланадиган 500 та бригада, донни ташиб олиш учун кўп юк ортадиган автомобиллар ва автопоездлардан иборат 8 мингта автоотряд ташкил этилади;

республика колхозлари ва совхозларида, ҳунар-техника билим юртларида, саноат корхоналарида, олий ўқув юртлари ва техникумларида 120 минг механизатор тайёрланади, шу тариқа оғир ҳайдов тракторларининг икки смена бўлиб ишлаши таъминланади. 20 минг тракторчига юкориюк класс бермоқ учун улар қайта тайёрланади;

ҳамма механизаторларнинг иш нормаларини тўла ва ошириб бажаришларига эришилади. Ҳар бир ёш тракторчи, комбайнчи, тажрибали механизаторларга шогирд қилиб бириктириб қўйилади;

техникани сақлаш қоидаларига қаттиқ риоя қилинади, машиналарнинг ишдан чиқишини камайтириш учун ҳамма чоралар кўрилади. Уларнинг бевақт ишдан чиқариб юборилишига йўл қўйилмайди. Ҳар бир хўжаликда машиналар сақланадиган жойлар ташкил этиш ҳамда тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари сақланадиган алоҳида-алоҳида майдончалар ажратиб қўйиш ишлари ниҳоясига етказилади. Бу йил совхозлар ва колхозларда техникага хизмат кўрсатувчи 175 та стационар пунктлар қурилади ва реконструкция қилинади;

(Давоми иккинчи бетда).

Суратда: ракетачи — жанговар тайёргарлик аълочиси, ефрейтор Александр Лавров. А. Асанов фотоси.

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

Москва шаҳри. **Номер 36** 1974 йил 23 февраль

Совет Қуролли Кучларининг жангчилари, ўртоқлар!

Армия ва флотнинг запасдаги ва истеъфодаги ветеранлари, ўртоқлар!

Бугун Ватанимиз Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 56 йиллигини нишонламоқда. Коммунистик партия барпо этиб, тарбиялаган СССР Қуролли Кучлари ўзининг шонли тарихи давомида ватанпарварлик ва интернационал бурчини муносиб равишда адо этмоқда. Империалистик агрессорларга қарши олиб борилган шиддатли жангларда совет жангчилари доимо коммунистик идеалларга садоқат, мислисиз мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатиб келдилар. Эндиликда армиямиз билан флотимиз халқнинг тинч меҳнатини, социализм буюк ғалабаларини маҳкам туриб ҳимоя қилмоқдалар.

Совет кишилари Совет Армияси билан Ҳарбий-Денгиз Флотининг эллик олти йиллигини коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида баланд сиёсий руҳ ва меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олмоқдалар. Тўққизинчи беш йилликнинг учинчи йилида катта ютуқларга эришилди. Ишчилар синфининг фидокорона меҳнати туфайли социалистик индустрия олға томон янги қадам қўйди. Қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларининг қаҳрамонона куч-ғайратлари рекорд ҳосил олиш билан якунланди. Халқ фаровонлиги муттасил ошиб бормоқда. Совет давлатининг иқтисодий ва мудофаа қудрати ўсди. КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан мамлакатимиз меҳнаткашлари беш йилликнинг тўртинчи йили халқ хўжалик планини муддатидан аввал бажариш учун, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш учун социалистик мусобақани кенг миқёсда авж олдирдилар.

Коммунистик партия билан Совет давлати КПСС XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программасини қатъият ва сабот билан амалга оширмоқдалар. Совет кишилари, бутун тараққийпарвар инсоният ленинчи партиямизнинг, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг, Марказий Комитет Бош секретари шахсан Ўртоқ Л. И. Брежневнинг халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги ишига қўшаётган жуда катта ҳиссасини юксак баҳоламоқдалар. Мамлакатимиз қардош мамлакатлар билан узвий бирликда ўтказаётган актив ташаббускор ташқи сиёсат социалистик ҳамдўстлик жипслигини янада кўпроқ мустаҳкамлайди, бутун халқаро вазиятга самарали таъсир ўтказади.

Айни вақтда халқаро кескинликни юмшатишга тўсқинлик қилишга уринаётган, қуролланиш пойгасини кучайтираётган, ҳарбий авантюраларни тайёрлаётган реакцион империалистик кучлар ҳали ҳам мавжуд бўлиб, актив ҳаракат қилаётганлигини кўрмаслик мумкин эмас. Бу эса, халқимизни мамлакат мудофаасини ва қуролли кучларнинг жанговар қудратини тинимсиз мустаҳкамлашга мажбур этади. Социалистик Ватанга ва Коммунистик партияга чексиз содиқ бўлган совет жангчилари Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг армиялари билан мустаҳкам бирликда Ватанимизнинг ва бутун социалистик ҳамдўстликнинг хавфсизлигини сергаклик билан қўриқлаб турибдилар.

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Прапорщик ва мичман ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Армия ва флот ветеранлари, ўртоқлар!

Сизларни умумхалқ байрами — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 56 йиллиги билан табриклайман. Ушбу таълим йилининг муракаб ва масъулиятли вазифаларини ҳал этишда: қурол-яроғларни ва жанговар техникани эгаллашда, қуруқликдаги, авиациядаги ва денгиздаги ҳаракат маҳоратини такомиллаштиришда муваффақиятлар тилайман.

Армия ва флот жангчилари! Қисмлар, кемалар ва қўшилмаларнинг жанговар тайёргарлигини янада ошириш учун қунт билан курашингиз, ҳар қандай агрессив кучларга зарба беришга ҳамиша шай бўлиб турингиз!

Совет Армияси билан Ҳарбий-Денгиз Флотининг 56 йиллигини нишонлаш юзасидан **буюраман:**

Бугун, 23 февралда, маҳаллий вақт билан соат 20 да Ватанимиз пойтахти — қаҳрамон шаҳар Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, шунингдек қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Севастополь, Одесса, Новороссийск, Керчда, қаҳрамон қалъа Брестда байрам мушакбозлиги ўтказилсин.

Яшасин Совет Армияси билан Ҳарбий-Денгиз Флотининг 56 йиллиги!

Яшасин қаҳрамон совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари!

Яшасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Улуғ Ленин партияси!

СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали
А. ГРЕЧКО.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛДИ

22 февралда Тошкент область партия конференцияси ўз ишини бошлади.

Делегатлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитети Сиёсий бюросини фахрий президиумга баланд руҳ билан сайладилар.

Область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов область партия комитетининг ҳисобот докладини қилди.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири И. Д. Сербин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар С. Е. Белоножко, В. Г. Ломоносов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, А. А. Ҳўжаев қатнашмоқдалар.

(ЎзТАГ).

САЙЛОВЧИЛАР ЙИҒИЛИШИ

626 Калинин сайлов округининг сайловчилари СССР Олий Советининг депутати, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Иван Дмитриевич Сербин билан учрашдилар.

И. Д. Сербин ўз нутқида КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш соҳасида халқ хизматкорларининг олиб бораётган катта ишлари тўғрисида, сайловчиларнинг берган наказлари қандай бажарилаётганлиги ҳақида гапириб берди.

Учрашувда Ильич номли колхоз раиси С. Раҳматуллаев, Ўрта Осиё ипакчилик илмий тадқиқот институтининг директори М. Ғаниева, «Тошкент» совхозининг директори Ф. Козько, район йўл қурилиш бошқармасининг бошлиғи П. Сеник ва бошқалар сўзга чиқдилар. Улар совет халқи жонажон Коммунистик партия раҳбарлигида тўққизинчи беш йилликда эришаётган муваффақиятлар тўғрисида фахрланиб гапирдилар, тинчлик тўғрисида, халқларнинг бахт-саодати тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганликлари учун КПСС Марказий Комитетига, унинг Сиёсий бюросига, шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневга қизғин миннатдорчилик изҳор қилдилар. Нотиклар сайлов округи меҳнаткашлари социалистик мусобақани янада авж олдириш, Ўзбекистон ССРнинг ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш иштиёқида эканликларини гапирдилар.

(ЎзТАГ).

ФАРҒОНАЛИКЛАРНИНГ МАРРАЛАРИ

ФАРҒОНА, 21 февраль. (ЎзТАГ). Бу ерда Фарғона область қишлоқ хўжалиги илғорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари ўтган қишлоқ хўжалик йили якунлари ва беш йилликнинг тўртинчи белгиловчи йили вазифалари тўғрисида область ижроия комитети раисининг ўринбосари Т. Тўйчиевнинг докладини муҳокама қилдилар.

Кенгашда Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Ш. Шамсиддинов нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида фарғоналиклар билан мусобақадош Андижон, Наманган, Сирдарё ва Ленинобод областлари қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг вакиллари иштирок этдилар.

МАРКАЗИЙ КЕНГАШ ВА „МИНГЛАР ШАРТНОМАСИ“

«Советская Россия», «Радянська Україна», «Звязда» ва «Совет Ўзбекистони» мухбирларининг саволларига СССР енгил саноат министри Н. Н. Тарасовнинг жавоблари

СОВЕТСКАЯ РОССИЯ
РАДЯНСЬКА УКРАЇНА
ЗВЯЗДА
СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

— Николай Никифорович, ўзингизга маълумки, қатор тармоқларнинг ўхшаш ва алоқадор корхоналари бир неча йиллардан бери «Минглар шартномаси» шиори остида мусобақалашиб келмоқдалар. «Минглар шартномаси» ҳаракати қатнашчилари ўз олдига қўйган вазифалардан қай бирини Сиз беш йилликнинг тўртинчи йилида алоҳида аҳамиятга эга деб биласиз?

— Партиямиз совет кишилари турмушининг моддий ва маданий даражасини янада яхшилашни тўққизинчи беш йилликнинг энг асосий вазифаси қилиб қўйди. КПСС XXIV съездида: «Бизнинг мақсадимиз совет кишиларининг турмушини янада яхши, янада гўзал, янада бахтли қилишдир» деган эди Леонид Ильич Брежнев.

Шу сабабли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни оғишмай ва жадал кўпайтириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Маданий-маиший мақсадларга мўлжалланган ва хўжалик учун зарур бўлган товарлар ишлаб чиқариш мана шу беш йилликда 1970 йилга нисбатан икки баравар кўпайтирилади. Бу беш йилликнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шуки, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш миқдорини кўпайтириш билан биргаликда унинг сифатини яхшилаш ва хилини янгилаб боришга алоҳида аҳамият беришимиз керак.

Енгил саноатимиз учун 1974 йил ана шу жиҳатдан бурилиш йили бўлиши керак. Яна шуни айтиш керакки, бунда сифат учун кураш иши тегиш план-топшириқларни бажариш билан бирга қўшиб олиб борилади. Реализация қилинадиган маҳсулотимиз ҳажми ўтган йилга нисбатан тўрт процент кўпаяди. Жуда кўп маҳсулотларимизнинг хили янгиланади. Пайпоқлар ассортиментини 30 процент, трикотаж буюмларни 67 процент, оёқ кийимларни 60 процент, тайёр кийимларни 71 процент янгилаш кўзда тутилмоқда. Шу билан бир қаторда енгил саноатимизда ҳали ҳамма резервлардан тўла фойдаланилмаётганлигини тан олишимиз керак. Бу соҳада ҳали жуда катта ишлар қилишимиз керак. Бу соҳадаги камчиликларимизни партия Марказий Комитети ўзининг ўтган йил август ойидаги «КПСС Марказий Комитетининг пойафзал, тикувчилик ва трикотаж буюмлари сифати ва ассортиментини яхшилаш ҳақидаги қарорларининг бажарилиши бўйича СССР Енгил саноат министрлиги олиб бораётган ишлари тўғрисида»ги қарорида ҳаққоний кўрсатиб ўтди. Бу қарор енгил саноатимизнинг ҳамма звеноларини учун бош программа бўлиб қолди.

Эндиликда энг аввало асосий эътиборни нималарга қаратмоқ керак? Кўпинча енгил саноатимиз маҳсулотларининг сифати ва ассортименти масалалари комплекс равишда ҳал этилмаётир. Энг сифатли материаллардан тайёрланадиган буюмларимиз ҳам ёмон пардозланмоқда, кийимларнинг ва пойафзалларнинг энг янги моделлари эса ишлаб чиқаришга жуда сустқашлик билан жорий этилмоқда. Бу энг аввало корхоналар ва цехларнинг ўзида ишнинг қанчалик моҳирлик билан ташкил қилинишига боғлиқ. Илғор коллективларнинг тажрибаси ҳаммамиз учун ибрат бўлиши керак. Агар ҳар бир ишчи, ҳар бир бригада ва смена ички резервларни қидириб топиб ишга туширишни ўзининг амалий вазифаси деб билса, яхшигина сифат ўзгаришларни қўлга киритиш, юқорида айтилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш мумкин. Худди шу масалада «Минглар шартномаси» ҳаракати алоҳида роль ўйнамоқда.

Эндиликда план топшириқларини муваффақиятли бажариш учун курашда алоқадор ва ўхшаш корхоналарнинг келишиб олинган ва ҳамкорликдаги ҳаракати ниҳоятда муҳим бўлиб қолди. Ўхшаш ва алоқадор корхоналар бир-бирининг мустаҳкам ҳамкорлигисиз ўз олдига қўйилган юксак топшириқларни бажариши жуда қийин. Мамлакат тўқимачилари билан хом ашё, бўёқ, машина ва станоклар етказиб берувчилар ўртасидаги ҳамкорлик улар ишлаётган корхоналарнинг муваффақиятини таъминлаб, маҳсулот сифатини оширмоқда ,ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтармоқда. «Минглар шартномаси» қатнашчилари ана шу ҳамкорлик туфайли юксак меҳнат унумдорлигига эришиб, ишлаб чиқариш нормалари ишни ташкил қилиш форма ва методлари тўғрисидаги эски тушунчаларга барҳам бермоқдалар ва бошқаларга намуна кўрсатмоқдалар.

«Минглар шартномаси» қатнашчилари мусобақасининг самарадорлиги ҳақида кўпдан-кўп мисоллар келтиришимиз мумкин. Мана, биргина мисол: Москвадаги «Трехгорная мануфактура» ва Орехово-Зуево ип газлама комбинати, Украинадаги Рубежан химия комбинати билан ўзаро шартнома тузадилар, мусобақалашиб ишлашга киришадилар. Бу мусобақанинг энг асосий мақсади аҳоли кўплаб талаб қилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаб, унинг ассортиментини кенгайтириш ва уни ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўли билан ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилгандир. Шуни очик айтиш керакки, Рубежан химия комбинати ишчиларининг «Минглар шартномаси» мусобақасига қўшилиши Трехгорка ва Орехово-Зуево тўқимачилари газламасининг сифати кўтарилиб, унга талаб ошиб кетишига имкон берди.

Эндиликда «Минглар шартномаси» мусобақасида мамлакатимиз енгил саноат корхоналарининг қарийб учдан бир қисми ва бошқа тармоқларнинг 500 га яқин корхона ва илмий тадқиқот муассасалари иштирок этмоқда.

Мусобақанинг янги формаси бўлган «Минглар шартномаси»нинг имкониятлари шу билан тугамайди. У беқиёсдир. Ўтган йил «Минглар шартномаси» қатнашчилари учун бутуниттифоқ сифат конвейерини ташкил этиш йўлидаги изланишлар даври бўлди. Бу конвейер шундай занжирдан ташкил топганки, у ҳамма алоқадор корхоналарни, шу корхоналардаги ҳамма алоқадор цех ва участкаларни ўзаро бирлаштириб, Сифат белгиси олган буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга хизмат қилди. Эндиликда «Минглар шартномаси» янги босқичга қадам қўйди. У муқобил планлар билан уйғунлашиб бормоқда. Практика шуни кўрсатмоқдаки, тиғиз планларни бажаришда алоқадор корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳар қачонгидан яхши самараларни бериши мумкин. Ёки бошқача айтганда, у муқобил планларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш имконини берадиган мустаҳкам асосли система ролини ўташи мумкин.

Муқобил планлар беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини ошириб бажариш мусобақасининг негизидир. «Минглар шартномаси» қатнашчилари бўлган Иваново области тўқимачиларининг ташаббуси билан бундай муқобил планлар бутун енгил саноатимиз корхоналари томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

(Давоми учинчи бетда).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАСИНИ ЮКСАК ДАРАЖАДА УНУМЛИ ИШЛАТАЙЛИК

(Боши биринчи бетда)

нефть маҳсулотларини сақлаш ва улардан фойдаланиш яхшиланади. Тракторларнинг 80 проценти ва ғалла комбайнларининг ҳаммаси механизациялаштирилган ёпиқ заправка қилишга ўтказилади; камида 60 минг тонна ёнилғи — мойлаш материаллари тежалади.

Ҳар бир дала шийпонида механизаторлар учун тегишли ишлаб чиқариш ва маданий-маиший шароит яратиб берилади, қизил бурчаклар ва ошхоналар ташкил этилади.

БЕЛОРУССИЯ ССР:

Тракторларнинг ҳар кунги иш унуми 5 процент, ғалла комбайнлари ва бошқа машиналарнинг иш унуми 6 процент оширилади. Ҳамма дала ишлари яхши агротехника муддатларида ўтказилади. Бу ишларнинг юқори сифатли бўлиши таъминланади;

экиб берадиган ва тупроқни ишлаб берадиган машиналарни тайёрлаб қўйиш 1 мартгача, тракторларни тайёрлаб қўйиш 10 мартгача, озуқа тайёрлаш учун ишлатиладиган машина ва механизмларни тайёрлаб қўйиш 1 майгача тугалланади. Ғалла ўриб-йиғиб берадиган техниканинг ҳаммасини 15 июндан кечиктирмай, картошкани ковлаб йиғиб берадиган машиналар 10 августгача тахт қилиб қўйилади. Машиналарни агрегат методи билан ремонт қилиш кенг жорий қилинади, ҳамма хўжаликларда ремонтчи слесарлардан иборат доимий махсус бригадалар ташкил этилади. Техника ремонтининг сифати анча оширилади. Ҳар бир машина синчиклаб текширилгандан кейингина устахонадан чиқади. «Сельхозтехника» корхоналарида ремонт қилинган барча тракторлар ва комбайнларнинг гарантияланган муддатларда узлуксиз ишлаши таъминланади;

дала ишлари даврида техниканинг тўхтовсиз ишлашига эришилади, техникага қараш қоидаларига қаттиқ риоя қилинади. Барча машина-трактор агрегатларига малакали созловчи слесарлардан тузилган звеноларнинг хизмат кўрсатиши ташкил этилади;

запас қисмларни ва материалларни тежаш, прогрессив ремонт технологиясини ва машиналарга техникавий хизмат кўрсатишни жорий қилиш йўли билан машина-трактор паркини сақлашга қилинадиган харажатлар камида 3 процент камайтирилади;

хўжаликларда қишлоқ хўжалик машиналарини созлаш учун майдончалар ташкил этилади. Ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик мақсадида ҳар бир комбайн дарров регулировка қилиш учун керакли мосламалар комплекти билан таъминланади;

ноқулай оби-ҳаво шароитида ҳосилни нобуд қилмай тез ўриб-йиғиб олишга имкон берадиган қўшимча қурилмалар ва мосламалар билан ўрим-йиғим агрегатлари таъминлаб қўйилади;

30 минг нафар механизатор тайёрланади, долзарб пайтларда ҳар бир агрегатнинг икки смена бўлиб ишлатилишига эришилади. Хўжаликларда биринчи ва иккинчи класс тракторчи-машинистлар сони 60 процентга етказилади;

қишлоқ хўжалик машиналарига намунали қараш, уларни сақлаш қоидаларига қаттиқ риоя қилиш, юқори сифатли ремонт қилиш йўли билан бу машиналарнинг яхши сақланишига ва хизмат муддатини узайтиришга эришилади. Ғалла комбайнларининг, зиғир поя ҳосилини ўриб-йиғиб берадиган комбайнларнинг ва бошқа мураккаб қишлоқ хўжалик машиналарининг хизмат муддати камида бир йил кўпайтирилади;

ҳамма жойларда машиналарни механизациялаштирилган ҳолда ёпиқ усулда заправка қилиш ташкил этилади, нефть маҳсулотларини авайлаб асраш ва тежаб-тергаб ишлатишга эришилади;

дала ишлари даврида механизаторлар даланинг ўзида иссиқ овқат билан таъминлаб турилади; меҳнат қилиш ва дам олиш учун нормал шароит яратиб берилади, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитария қоидаларига қаттиқ риоя қилинади.

РОСТОВ ОБЛАСТИ:

Тракторлар паркининг иш унуми 5 процент оширилади. Ғалла комбайнларининг, силос тайёрловчи комбайнларнинг ва маккажўхорини ўриб-йиғиб берадиган комбайнларнинг ҳар кун бажарадиган иши ўрта ҳисобда 6 процент кўпайтирилади. Бошоқли ва дуккакли дон экинларини кўкламги экиш ишлари 4-6 иш кунида ва бошоқли дон экинларининг ҳосилини ўриб-йиғиб олиш ишлари 15-16 иш кунида ўтказилади. Ерларни кузги шудгор қилиш 1 ноябргача тугалланади. Дала ишларининг сифатли бўлишига қаттиқ риоя қилинади;

тракторлар, тупроқни ишлаб берадиган машиналар ва экиш машиналари, ғалла комбайнлари, жаткалар ва пичан ўриш машиналари ўз вақтида ремонтдан чиқарилиб дала ишларига тахт қилиб қўйилади. Ремонтни юқори сифатли қилиб ўтказиш йўли билан ҳар бир машинанинг сира бузилмай ишлаши таъминланади;

дала ишлари даврида жамики машина трактор паркининг 80 процентига техникавий хизмат кўрсатмоқ учун созловчи мастерлардан иборат 1500 звено ташкил этилади. «Сельхозтехника» бирлашмаларида К-700, Т-150 тракторларига, «Колос» ва «Нива» комбайнларига техникавий хизмат кўрсатувчи махсус звенолар ташкил этилади, областнинг 12 районида колхозлар ва совхозларнинг машина-трактор паркига «Сельхозтехника» иштироки билан тўла техникавий хизмат кўрсатиш жорий қилинади;

техникавий хизмат кўрсатувчи стационар пунктлар ва кўчма агрегатлар, кўчма устахоналар дала ишлари бошлангунча тўла равишда тахт қилиб қўйилади. Колхозлар ва совхозларнинг ремонт базасини тағин ҳам ривожлантирмоқ учун 39 та ремонт устахонаси, техникавий хизмат кўрсатувчи 32 та стационар пункт, профилакторийлари билан 27 та автогараж қурилади ва ишга туширилади;

барча тракторлар, комбайнлар ва автомобиллар фақат ёпиқ усулдагина ёқилғи билан заправка қилинадиган бўлади;

қишлоқ хўжалик техникасининг юксак даражада унумли ишлашини таъминламоқ учун тракторлар ва автомобиллар икки смена ишлаши учун улар малакали кадрлар билан таъминланади. Саноат корхоналарида, ўқув юртларида, колхозлар ва совхозларда 57 минг нафар механизатор тайёрланади, 100 минг нафар механизатор ва сеялкачилар агротехника тўгаракларида ва илғор тажриба мактабларида ўқиб ўз билимларини орттирадилар. 1 ва 2-классли тракторчи номини олиш учун 9 минг нафар тракторчи қайта тайёрланади. Ҳар бир ёш механизаторга ўз билим ва тажрибаларини ўргатадиган тажрибали уста бириктириб қўйилади;

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига оператив раҳбарликни яхшилаш мақсадида барча районлар ва хўжаликлар билан доим алоқа қилиб туришни таъминлайдиган ва ҳисоблаш марказига эга бўлган диспетчерлик хизмати ташкил этилади;

колхозлар ва совхозларда қишлоқ хўжалик техникасини авайлаб асраш таъминланади, машиналар сақланадиган 1500 та махсус жойлар ташкил этилади. Машиналарнинг бевақт ишдан чиқиб қолишига йўл қўйилмайди, тракторлар ва комбайнларнинг хизмат муддатини бир йил кўпайтиришга, техникани сақлаш харажатларининг 1,5 процент камайтирилишига эришилади.

* * *

Қишлоқ механизаторлари қишлоққа техника, запас қисмлар, ремонт материаллари ва нефть маҳсулотлари етказиб берувчи саноат корхоналарининг коллективларига мурожаат қилиб, уларни қишлоқ хўжалик буюртмаларини ўз вақтида аниқ бажаришга, ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқ учун қўшимча имкониятлар топишга ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини оширишга эришишга даъват этадилар.

Қозоғистон ССР, Белоруссия ССР ва Ростов областининг қишлоқ хўжалик механизаторлари ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олиб мамлакатдаги колхозлар, совхозларнинг, «Сельхозтехника» корхоналари ва ташкилотларининг барча механизаторларини ва инженер-техник ходимларини ғайратларига ғайрат қўшиб ишлаб, партия XXIV съездининг ҳамда КПСС Марказий Комитети 1973 йил декабрь Пленумининг қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишга чақирдилар.

Механизаторлар, 1974 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш планларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун ҳамма резервларни ишга соламиз, бутун тажрибамиз ва маҳоратимизни сарфлаймиз, деб КПСС Марказий Комитетини ишонтирадилар.

БУГУН — СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ

МАРДЛИК — МАНГУЛИК

ВАТАН СОҚЧИЛАРИ

Бундан эллик олти йил муқаддам 1918 йил 23 февралида эндигина ташкил этилган Қизил Армия Нарва ва Псков остоналарида Кайзер Германияси қўшинларига қақшатқич зарба берди. Қизил Армиянинг ана шу қаҳрамонона жасоратини нишонлаш мақсадида ҳар йили 23 февралда умумхалқ байрами ўтказилади.

Ғоят оғир шароитда барпо этилган Совет Қуролли Кучлари 56 йилдан буён жаҳонда социалистик давлатнинг хавфсизлигини таъминлаб келмоқда ва қардош армиялар билан биргаликда бутун социалистик ҳамдўстликни ҳимоя қилиб турибди.

Улуғ Ленин партияси раҳбарлигида совет халқи экономика, фан ва маданиятни юксалтириш, моддий фаровонликни ошириш йўлидан дадил бормоқда. КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан иқтисодий ва маданий қурилишнинг улуғвор планлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бизнинг шонли Қуролли Кучларимиз совет халқининг ана шу бунёдкорлик меҳнатини қўриқлаб турибди.

Совет Қуролли Кучларининг барпо этилиши, унинг афсонавий жанговар солномаси В. И. Ленин номи билан чамбарчас боғлиқдир. Владимир Ильич социалистик давлат армиясини барпо этиш ғоясини илмий жиҳатдан асослаб берди. У совет ҳарбий қурилиши принципларини ишлаб чиқди ва амалга оширди. В. И. Ленин ва у тузган Коммунистик партия инсоният тарихида биринчи ишчи-деҳқон армиясининг, социалистик давлат армиясининг ташкилотчиларидир.

Владимир Ильич Қизил Армиянинг мақсадлари, вазифаларини белгилаб: «...Бу армия революция ғалабаларини, бизнинг халқ ҳокимиятимизни, солдатлар, ишчилар ва деҳқонлар депутатлари Советларини, барча янги, чинакам демократик тузумни ҳозирги вақтда революцияни бўғиб ташлаш учун ҳамма воситалардан фойдаланаётган барча халқ душманларидан ҳимоя қилишга даъват этилган».

Бизнинг Қуролли Кучларимиз ана шу олийжаноб мақсадга хизмат қилиб келди ва хизмат қилмоқда. Улуғ Ленин ғояларидан руҳланган Совет Қуролли Кучлари Коммунистик партия раҳбарлигида Октябрнинг тарихий ғалабаларини шараф билан ҳимоя қилиб келди. Қизил Армия гражданлар уруши ва чет эл ҳарбий интервенцияси йилларида мислсиз жасорат кўрсатди. Халқимизнинг, унинг Қуролли Кучларининг интервентлар ва оқ гвардиячилар устидан қозонган тарихий ғалабаси совет давлатининг ҳаётий кучини ва енгилмаслигини намойиш қилди.

Тинч социалистик қурилиш йилларида ҳам совет Қуролли Кучлари ишончли қалқон бўлди. У ўз халқининг тинч бунёдкорлик меҳнатини қўриқлаб ўша йилларда Хитой милитаристларини, Ҳасан кўли ва Халхин-Голда япон босқинчиларини, Карелия бўғозида фин ҳарбийларини тор-мор қилди.

Коммунистик партия совет Қуролли Кучларини мустаҳкамлар экан, В. И. Лениннинг қуйидаги кўрсатмаларига амал қилади: «...Тинч қурилиш ишига киришган эканмиз, биз уни давом эттириш учун барча кучимизни сарфлаймиз. Шу билан бир вақтда, ўртоқлар, хушёр бўлингиз, мамлакатимиз ва Қизил Армиямиз мудофаа қобилиятини кўз қорачиғидек сақлангиз».

Совет Қуролли Кучларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги жасорати мислсиздир. Қуролли Кучларимиз ана шу ғоят оғир йилларда шундай кураш олиб бордики, бундай улкан жангни инсониятнинг кўп асрли тарихи билмайди.

Улуғ Ватан уруши 1418 кун давом этди. Совет халқи ва унинг шонли Қуролли Кучлари бу урушдан шонли музаффарият билан чиқди. Душман яксон этилди ва сўзсиз таслим бўлди. Миннатдор авлодлар Октябрнинг тарихий ғалабаларини сақлабгина қолмай, шу билан бирга инсониятни фашизмдан халос қилган совет халқининг, Армиямиз ва Флотимизнинг мислсиз жасоратини абадий шарафлайди. Солдат ва офицерларнинг оммавий қаҳрамонлиги, партизан ва подпольщикларнинг фидокорлиги ўз социалистик ижтимоий ва давлат тузумини ҳимоя қиладиган халқ ва армия нақадар қудратли, енгилмас куч эканлигини ёрқин намойиш қилди. Гитлерчиларга қарши жангларда кўрсатган жасорати учун 7 миллиондан зиёд киши орден ва медаллар билан мукофотланди. 11603 жангчига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Қаҳрамонлар орасида руслар ва украинлар, белоруслар ва қозоқлар, ўзбеклар ва грузинлар, арманлар ва татарлар — кўп миллатли улуғ Ватанимиздаги барча халқлар ва элатларнинг вакиллари бор.

Ўзбек халқининг шонли фарзандлари Улуғ Ватан уруши жанговар йилномасига қаҳрамонлик саҳифаларини ёздилар. Мукофотланганлар орасида юз минглаб Ўзбекистон вакиллари бор. 69 ўзбек жангчиси Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. Биз Жўра Усмонов, Турғун Аҳмедов, генерал Собир Раҳимов ва бошқа жуда кўп қаҳрамонлар номини зўр ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз.

Фашизмга қарши курашда Туркистон ҳарбий округида тузилган қисмлар ва бўлинмалар жангчилари қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар.

Совет жангчилари социалистик Ватанни қаҳрамонона ҳимоя қилдилар, социализм ғалабаларини, СССР қардош халқларининг озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолдилар. Қонли фашизмни мажақлаб ташлаб, улар Европадаги жуда кўп мамлакатларда гитлерчилар Германиясига қарши курашда қардошларча ёрдам кўрсатдилар. Ғарбда фашист босқинчиларини тор-мор келтиргач, Совет Армияси Япония милитаризмига қақшатқич зарба берди.

Мамлакатимизнинг жаҳоншумул тарихий ғалабаси социализм ҳаётий кучини, совет ижтимоий ва давлат тузуми бузилмас бирлигини, унинг капитализмдан афзалликларини намойиш қилди. Бу ғалаба мамлакатимиз халқлари ленинча дўстлиги ва биродарлигининг буюк ҳаётий кучи рамзидир.

Улуғ Ватан уруши якунлари социализмни вайрон қиладиган, марксизм-ленинизм идеяларига, социалистик Ватанга содиқ бўлган, Ленин партияси атрофига жипслашган халқни тиз чўктиришга мажбур эта оладиган куч дунёда йўқлигини кўрсатди. Бу империалистик агрессорларга даҳшатли огоҳлантириш, тарихнинг жиддий сабоғидир. Бироқ империалистик агрессорлар бу сабоқдан хулоса чиқариб олмаганликларини ёдда тутиш лозим. Империализм ҳарбий бюджетни кўпайтирмоқда, қуролланиш пойгасини авж олдирмоқда, плацдармлар ва базалар барпо этилмоқда.

Бироқ, ҳозирги шароит бошқача, эндиликда кучлар нисбати социализм фойдасига ўзгарди. Жаҳон социалистик давлатлар системаси антиимпериалистик курашда, умуман ҳозирги замон халқаро тараққиётида ҳал қилувчи фактор бўлиб қолди. Унинг таъсирида тинчлик кучлари мавқеи мустаҳкамланмоқда, халқаро кескинлик юмшамоқда, бу эса давлатимиз ташқи сиёсатининг йирик ғалабаси бўлиб, бутун дунёда СССР обрўси ва таъсири изчил ошиб бораётганлигини кўрсатади.

Шу билан бир вақтда бу воқеалар империализмнинг агрессив моҳиятини ўзгартирмаганлигини унутмаслигимиз керак. Империализм ҳозир ҳам аввалгидек урушнинг ягона манбаи бўлиб турибди. Бу эса барча совет кишиларидан доимо хушёр бўлишни, Ватанимиз ҳарбий қудратини мустаҳкамлаш учун катта куч-ғайрат сарфлашни талаб қилади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси улуғ Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини кўз қорачиғидек сақлаш учун муттасил ғамхўрлик қилмоқда. КПСС ва Совет ҳукуматининг ана шу ғамхўрлиги, бутун совет халқининг жонкуярлиги туфайли бизнинг Қуролли Кучларимиз ҳозир шундай қудратли кучга айландики, империалистик давлатларнинг биронта армияси ҳам бундай кучга эга эмас. Қуролли Кучларимиз ҳар қандай агрессорни мажақлаб ташлашга қодир бўлган энг қудратли стратегик ракета—ядро қуролига эга. Совет Армияси жаҳонда энг яхши танклар ва самолётлар билан, қурол-яроғ ва жанговар техниканинг энг замонавий турлари билан таъминланган.

Совет жангчилари ўз Ватанларига, совет халқига ва Коммунистик партияга мислсиз содиқдирлар. Марксизм-ленинизм идеялари руҳида тарбияланган совет жангчилари душманга қақшатқич зарба беришга ҳамиша тайёр бўлиб турибдилар.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига тайёргарлик Туркистон ҳарбий округи жангчиларида янги ташаббуслар тўлқинини бошлаб берди. Бу шонли юбилейни округимиз жангчилари ленинча миллий сиёсат тантанаси, коммунизм буюк идеалларининг амалга оширилиши деб биладилар. Туркистон ҳарбий округи жангчилари Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти кунини жанговар ва сиёсий тайёргарликда янги муваффақиятлар билан кутиб олдилар. Улар ленинча партиямиз атрофига янада мустаҳкамроқ жипслашиб, бундан буён ҳам ўзларининг ҳарбий бурчларини шараф билан бажараверадилар.

Генерал-майор Ю. П. МАКСИМОВ,
Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари.

ЖАСОРАТ РАМЗИ

Кунлардан бирида Салоҳиддин ака Рафиқовни район ҳарбий комиссариатига чақириб қолишди. Комиссариат ходимлари уни самимий табриклаб, СССР Олий Совети Президиумининг 1943 йил декабрь ойидаги фармонини ўқиб беришди:

«...Она Ватан ҳимоясида қаҳрамонлик намунасини кўрсатган оддий жангчи Салоҳиддин Рафиқов «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотлансин». Фармоннинг бу жарангдор сатрлари Салоҳиддин акага ўтмишни — кечмиш воқеаларни, сўнгги жангни гавдалантирди.

...Сталинград остоналарида ҳаёт-мамот кураши давом этмоқда. Қисмларимиз жойлашган территорияга душман «тигр»ларни бостириб келмоқда. Командирнинг буйруғи билан ўт очилди. Салоҳиддин ҳам қаҳр билан ҳар бир снарядни бехато отаётир. Олдинда лапанглаб келаётган баҳайбат танк қора тутунга бурканди. Навбатдаги снаряд кейингисини ҳам танқа тўхтатди. Душманнинг бошқа танклари ажал ҳидини сезди шекилли, орқага чекина бошлади.

— Қочиб қутулолмайсан! — дея Салоҳиддин снаряд отди, — яна битта танк ёна бошлади.

Лекин шу дамда унинг ёнгинасида алланарса қаттиқ портлади. Ундан кейин жангчи нима бўлганини билмайди. У ўзига келганда ҳарбий госпиталда ётарди. Боши ва қўлидан яраланган жангчи олти ой даволаниб, сўнг она қишлоғи — Пешқўрғонга қайтиб келди.

Бугун унинг кўксига тақилган орден ўша жангда кўрсатган жасоратининг ёрқин тимсолидир.

Салоҳиддин Рафиқов шу кунларда Наманган область Янгиқўрғон районидаги «Ленинизм» совхозида тинч меҳнат қўйнида осойишта ҳаёт кечирмоқда.

Қ. МАЛИКОВ.

●

СОЛДАТ МАКТУБЛАРИДАН

Мен қуролдош дўстим сержант Алишер Усмоновни яхши биламан. У бошқалардан ёрдамини аямайдиган, дилкаш, меҳнатсевар йигит. Биз бир ротада хизмат қилмоқдамиз. Дастлабки кунларданоқ у жанговар ва сиёсий тайёргарликда пешқадамлик қилди. Алишернинг яхши хислатларидан бири спортга муҳаббатидир. Футбол, волейбол, енгил атлетика секцияларида қатнашиш жанговар ва сиёсий тайёргарликни оширишда унга ёрдам бермоқда.

А. НАИМОВ.

* * *

Совет Армияси сафида хизмат қилаётганимга саккиз ой бўлди. Шу давр ичида жуда кўп нарса ўргандим. Ҳарбий хизмат мен учун бир мактаб бўлди.

Сержант Т. ЖАЛИЛОВ.

* * *

Яқинда М. Мусулмонов, Т. Шомуродовларга ефрейторлик унвони, Т. Жониқуловга старший сержант, Н. Бекмуродовга сержант унвони берилди. Бу, ўзбек йигитларининг ўз ҳарбий бурчларини сидқидилдан ўтаётганликларидан далолат бериб турибди.

Н. РАСУЛОВ.

* * *

Оддий солдат Абдумалик Мамарасулов қисмимизда аъло хизматлари билан ҳурмат қозонган. Автомашинасини аъло даражада сақлаганлиги учун яқинда бўлиб ўтган техника кўригида ташаккурнома олди.

М. ЙУЛДОШЕВ.

* * *

Ўзбек йигитларининг Ватан олдидаги ҳарбий бурчларини шараф билан ўтаётганликлари ҳақида А. Нуриддинов, Қ. Носиров, Э. Қодиров, У. Тамалов, А. Жонмирзаев, С. Воҳидов, А. Қурбонов, Д. Мавлонов, Ж. Рўзиқулов, М. Усмонов, Ш. Нортожиев, А. Шомуродов, Н. Қосималиев, У. Ашуров, О. Аҳмадалиев, А. Бўронов, З. Алимов ва бошқалар ҳам хат-хабарлар ёзиб юборганлар.

ШУҲРАТ СОҲИБИ

Раҳим бахт тонги отган замонда, 1924 йилнинг тўкин куз фаслида туғилди, ўсиб-улғайди. Мактабни тамомлаб, колхозда ишлай бошлади. Халқимизнинг тинч меҳнатига, осойишта ҳаётига фашист босқинчилар раҳна солганида, кўплар катори Раҳим ҳам Ватан ҳимоясига отланди. Қўлида жанговар қурол билан ғалабага ҳисса қўшди, фронтдан эсон-омон қайтди. Ҳозир у тинч яратувчилик меҳнати билан машғул.

Ана, унинг қисқача таржимаи ҳоли. Аммо Раҳимнинг Ватан учун жангларда кўрсатган жасурлигини, меҳнатдаги довруғини ҳар қанча мадҳ этса оз.

Хоразмлик старшина Раҳим Авазмуродов босиб ўтган жанговар йўл Украина шаҳарлари бўйлаб Берлингача давом этди. Қайси шаҳарларни озод қилишда қатнашганлиги кўксида ярқираб турган медаллардан кўриниб турибди. «Берлинни олганлиги учун» медали эса ҳал қилувчи жангдан эсдалик.

... 1943 йил. 1- Украина фронти қўшинлари Орёл ва бошқа шаҳарлар учун олиб борган жангларда барча халқларнинг фарзандлари каби ўзбек йигитлари ҳам қатнашдилар. Раҳимнинг шерюрак ва жонбоз жангчи эканлиги алоҳида кўзга ташланади. Айниқса Киев шаҳрини душмандан озод қилиш учун бўлган шиддатли олишувда у жасурлик кўрсатди. Чап оёғи ва қўли душман снарядидан қаттиқ жароҳатланса ҳам, қуролни ташламади. Ўша жангларда мардлиги учун Раҳим Авазмуродов 3- даражали «Шуҳрат» ордени билан тақдирланди.

Польшанинг Люблин, Холмо, Варшава шаҳарларини озод қилиш учун озмунча қон тўкилмади. Қўшинларимиз қардошлар олдидаги халоскорлик бурчини шараф билан бажардилар. Раҳим станокли пулемётдан нишонга аниқ ўт очиб, душман солдатларини қийратди. Одер дарёси жанубида, Франкфурт яқинида бўлган қаттиқ жангларда иштирок этиб, зўр матонат кўрсатди. Раҳим 2- даражали «Шуҳрат» орденига шу ерда сазовор бўлди.

Старшина Раҳим Авазмуродов Улуғ Ватан урушининг сўнгги ҳал қилувчи даврида Эльба дарёсини кечиб ўтиш ва фашист газандалари уясини батамом тугатиш учун мардона ҳужум билан Ғарбга силжиган қўшинлар сафида эди. Взвод командири ҳалок бўлган пайтда у командирликни ўз зиммасига олди. Душман батальонини қуршаб олишдан иборат жанговар топшириқ муваффақиятли бажарилди. Қўмондонлик топшириғини бажаришда қаҳрамонлик кўрсатган марду-майдонлар қаторида Раҳим Авазмуродов 1- даражали «Шуҳрат» ордени билан мукофотланди.

Фронтдан музаффар қайтган жангчи жонажон қишлоғида яна енг шимариб ишга тушди. Колхозда механизаторлик касбида ҳалол меҳнат қилиб, довруғ қозонди.

Раҳим Авазмуродов Шовот районидаги Чкалов номли колхозда комплекс механизацияни жорий этиш учун астойдил кураш олиб бормоқда. Ишлаб чиқаришда эришган ютуқлари учун «Шавкатли меҳнати учун» медали, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди ва «Меҳнат шуҳрати» китобига бир неча бор ёзилди.

Собиқ фронтчи запасдаги ва истеъфодаги ўз қуролдошлари билан учрашиб ва хат ёзишиб туради. Москвалик запасдаги генерал Алексей Мединников, олмаоталик полковник Шариф Сексанов, самарқандлик капитан Абдулла Султонов каби фронтчи дўстларининг табрик хатлари, фотосуратлари Раҳим ака хонадонида табаррук эсдаликлар сифатида сақланмоқда.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунини Туркистон ҳарбий округи жангчилари ҳам жанговар ва сиёсий тайёргарликда янги муваффақиятлар билан кутиб олдилар. Тактик машғулотлар ўтказилаётган майдонда олинган бу суратда рота командири гвардиячи лейтенант Виктор Дьяченко, танк командири гвардиячи сержант Ю. Гаврилинга топшириқ бермоқда.

А. Асанов фотоси.

РАЙОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

ДЎСТЛИК МАДҲИ

Дўстлик бебаҳо бойликдир. У совет кишилари учун азиз ва мўътабар бўлиб қолган. «Колхоз ҳақиқати» район газетаси ўзининг навбатдаги сонларидан бирини ана шу мавзуга бағишлади. Унда Ғиждувон райони саноат корхоналари, колхоз ҳамда совхозларида қўлни-қўлга бериб меҳнат қилаётган турли миллат кишиларининг фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейи олдидан эълон қилинган бу сонда турли миллат кишиларининг уй-мақсадлари, орзу-интилишларининг бирлиги ҳақида улар ҳар ишда ҳамкор ва ҳамфикр эканликлари ҳақида қизиқарли материаллар эълон қилинган. Мактаб ўқитувчиси М. Тоҳиров, колхозлараро қурилиш бошқармасининг бошлиғи С. Нуруллин, қоракўлчилик совхозининг чўпони М. Бахтбергеноваларнинг мақолаларида райондаги 30 яқин миллат кишиларининг дўст ва қардошлиги мустаҳкамланиб бораётганлиги ҳақида характерли факт ва мисоллар келтирилган. Қирғиз пахтакори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Садат Нагаева билан ўзбек қизи, ғиждувонлик Обида Ҳамроева ўртасидаги мусобақанинг ажойиб натижалари ҳикоя қилиб берилади.

Газета саҳифаларидан «Бир бирига устоз», «Ягона оилада», «Интернационалистлармиз» сингари мақолалар ва қизиқарли фотосуратлар ҳам ўрин олган.

МОҲИР МЕРГАН

Улуғ Ватан уруши иштирокчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони офицер Н. Д. Козин билан Москвада танишиб қолдим. Узаро суҳбатимизда урушдан омон қайтган қаҳрамонлар, ўз азиз жонини фидо этиб, ғалаба соатини тезлаштирган жасур жангчилар ҳақида ҳикоя қилиб берди. Унинг Маъди Султонов ҳақидаги ҳикояси хотирамда чуқур из қолдирди.

— Москва остоналарида сон жиҳатидан устун бўлган душман билан полкимиз оғир жанглар олиб борарди, деб ҳикоя қилди генерал. — Полкимизга янги кучлар келиб қўшилди. Улар орасида Ўрта Осиё республикаларидан келган кўпгина йигитлар бор эди. Янги келган солдатлар билан танишиб ўтиришга улгурмадик. Улар тўғри жангга кирдилар. Жанг майдонида бизнинг артиллериячиларимиз мажақлаб ташлаган танклар тинмай ёнарди.

Артиллериячилар орасида ўзининг чаққонлиги билан наводкачи Маъди Султонов ажралиб турарди. Қисқа муддатли курсни битирганидан сўнг Маъдига сержант унвони берилди ва у артиллерия қуролига командир қилиб тайинланди. Қурол шахсий состави аҳиллиги, нишонга аниқ уриши билан алоҳида ўрнак кўрсатар, душманнинг жуда кўп танклари ва ўзи юрар тўпларини мажақлар эди. Султоновни кўпинча танкларни қирувчи деб ҳам аташарди.

Маъди Султонов Берлин учун бўлган жангларда зўр мардлик ва жасорат кўрсатди. Ўша кунларда дивизиянинг хабар ва маълумотлар журналида моҳир наводкачи тўғрисида қуйидаги сўзлар ёзилган: «Душман ўқи ёмғирдай ёғиб турганлигига қарамасдан 122 миллиметрли тўп командири Султонов рақиб устига тинмай ўқ уза бошлади. Битта ўзи юрар тўпни, учта «панжир-фауст» нуқтасини, ДЗОТ ва 15 га яқин солдат ва офицерни йўқ қилди.

Тўп ишдан чиқарилгандан сўнг қўл пулемётини сайратиб, душманнинг қарши ҳужумларини қайтаришда давом этди ва 20 дан ортиқ солдат ва офицерни ер тишлатди. Оғир ярадор бўлганлигига қарамасдан М. Султонов то янги кучлар келиб қўшилгунча, жанг майдонини тарк этмади».

Жангдан сўнг старший сержант госпиталга юборилди. Шундан кейин унинг тақдиридан бехабар қолдим. Мени ҳамон унинг тақдири қизиқтиради. Эҳтимол, Маъди Султоновнинг қариндош-уруғлари, ёр-дўстлари бордир, улар ҳақида бирор хабар топсам, беҳад хурсанд бўлардим.

С. ҒОИИБНАЗАРОВ,
Тожикистон ССР Маданият министрлиги ёдгорликларни сақлаш давлат инспекциясининг бошлиғи.

МАРКАЗИЙ КЕНГАШ ВА „МИНГЛАР ШАРТНОМАСИ“

(Боши биринчи бетда).

— «Минглар шартномаси» ҳаракатининг бундай оммавийлиги ва кенг қанот ёзгани алоқадор корхоналар коллективлари ҳамкорлиги эндиликда мусобақанинг етакчи формаларидан бири эканлигидан далолат бериб турибди. Шундай экан, сизнингча унинг амалийлиги нимада?

— «Минглар шартномаси»нинг алоҳида хусусияти шундаки, у шу мусобақа қатнашчилари олдида турган вазифаларга комплекс равишда ёндашиш имконини бермоқда. Ҳаётнинг ўзи коллективлардан кўп томонлама ижодий ҳамкорликни йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Ана шу кўп томонлама ижодий ҳамкорлик йўл-йўлакай туғилаётган қийинчиликларни бартараф этишда энг яхши натижа бермоқда. Биз буни практикада синаб кўрдик. Яна энг муҳими — бу ҳамкорликда алоҳида ишчилар эмас, бутун-бутун коллективлар иштирок этмоқда. Шундай қилиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг ассортиментини кенгайтириб, сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш вазифаларини бажаришимизда тўғаноқ бўладиган ҳар қандай майда-чуйда камчиликларни бартараф этиш мумкин бўлиб қолди.

Мураккаб ишлаб чиқариш алоқаларини бошқаришда мусобақа қатнашчиларининг ана шундай кенг иштироки, бошқача айтганда, алоқадор корхоналарнинг жуда кўп масалаларни йўл-йўлакай ўзлари ҳал қилиб боришлари, бу масалаларнинг юқори ташкилотларда идорама-идора «санғиб юришига» чек қўйилиши — давлат планлаштириш принципларига узвий равишда мос келади.

Ҳар қандай давлат планлари ҳам корхонадаги ҳамма ички резервларни ҳисобга ололмайди. Шунинг учун ҳам биз ҳар бир ишчининг ўз ички резерви бор деймиз. Ана шу резерв ташаббускор ишчига меҳнат унумдорлигини ошириш имконини беради. Лекин энг аввало ана шу планга кирмаган ички резервларни ишга солиш учун шароит ва ижодий вазият яратиб бериш керак бўлади. Бундай ижодий вазият мусобақа жараёнидагина туғилади.

Масалан, Гулухово ип газлама комбинати илғор ишчиларини ўзларига хом ашё, яъни дағал газлама етказиб бериш топшириқларини бажаролмаётган фабрикага боришга ҳеч ким мажбур қилгани йўқ. Улар ҳамкасбларини танқид қилгани эмас, яқиндан ёрдам бергани боришди. Станоклар ёнида туриб, қўшниларига иш ўргатишди. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўлларини биргаликда излашди. Улар вақт билан ҳисоблашмай қўшни корхонада ишни юргизиб юборишга ёрдам беришди. Бунинг ўрнига улар қўшни корхонага шикоятномалар йўллаш билан чекланиб қолишлари ҳам мумкин эди. Лекин эндиликда коллективлар ўртасидаги муносабатлар ўзгариб бормоқда. Ўзаро ҳамкорлик биринчи планга чиқмоқда. Шундай экан, ана шу психологик нозикликларни планда ҳисобга олиш мумкинми? Йўқ. Биз ҳали бундай нозик планлаштириш методларига эга эмасмиз. Такрор айтаманки, бундай муфассал планни фақат ҳамма меҳнаткашларнинг мусобақа орқали ишлаб чиқаришни бошқаришда кенг иштирок этиши ёрдамида вужудга келтириш мумкин.

Экономикамиз масштаблари беқиёс кенгайиб, унинг структураси ниҳоятда мураккаблашиб кетгани, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўли оғишмай амалга оширилаётгани ҳам меҳнаткашлар ташаббуси ва давлат планлаштириш ишини узвий равишда қўшиб олиб бориш кераклигини тақозо этмоқда. КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида «Энг батафсил план ҳам социалистик экономикада мавжуд бўлган ва ишга ижодий ёндашиш, ҳар бир коллективнинг, ҳар бир ходимнинг ташаббусини кенг ривожлантириш, уларнинг уюшқоқлиги ва масъулиятини ошириш йўли билан қўшимча равишда топилиши ва фойдаланилиши мумкин бўлган жуда кўп резервларнинг ҳаммасини ҳисобга ололмайди» деб таъкидланганича бор.

— Алоқадор коллективлар ҳамкорлиги формаларидан қай бирини энг амалий ва таъсирчан деб ҳисоблайсиз?

— Бу ташаббус ҳар хил кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Масалан, енгил саноатимизда бугунги кунда Костромадаги «Текмаш» станоклари юқори баҳоланмоқда. Бизга маълумки, худди ана шу корхонада тўқимачилар билан ҳамкорлик ишлаб чиқарилаётган машиналар сифатини бошқариш завод системасида энг муҳим звенолардан бири ҳисобланмоқда. Бу ерда буюртмачилар билан мустаҳкам алоқалар йўлга қўйилган. Машинасозлар тўқимачилардан рекламациялар келишини кутиб ўтиришмайди, балки ишлаб чиқарилган машиналари қандай ишлаётгани ҳақида тез-тез хабар олиб туришади, ахборотлар сўрашади. Ана шу ахборотлар ҳар икки томонда ҳам маҳсулот сифатини яхшилашга ёрдам бермоқда. Бу корхона тўқимачилар учун ўзига хос синов полигонига айланиб қолди. Бу ерда шартнома асосида энг янги машиналар синаб кўрилмоқда. Худди шу йўл билан Люберецк гилам комбинатида янги машинани ишлаб чиқаришга жорий этиш тезлаштирилиб, у кўзланганидан бир йил олдин маҳсулот бера бошлади.

Икки алоқадор тармоқнинг — химия ва енгил саноат тармоқларининг ижодий ҳамкорлиги туфайли Рубежан химия комбинатида 25 та, Дербенов химия заводида 19 та янги хил бўёқларни яратиш имконини берди. Бунинг натижасида В. И. Ленин номидаги Глухово ип-газлама комбинати коллективи ўзининг 80 процент газламаларини янгича пардозда ишлаб чиқариш имконига эга бўлди. Биз бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Бу ҳали бизнинг алоқадор корхоналарнинг коллективларига даъволаримиз йўқ деган гапни билдирмайди. Алоқадор тармоқларнинг коллективлари ҳали енгил саноат корхоналарини сифатли хом ашё, бўёқ ва унумдор машиналар билан таъминлаш йўлида жуда кўп ишлар қилишлари керак. Ана шунинг учун ҳам, энг аввало, биз министрлик ҳузурида ташкил этилган **алоқадор тармоқлар штаби, ёки бошқача айтганда «Минглар шартномаси» ҳаракати қатнашчилари ишини координациялаш бўйича Марказий кенгаш** фаолиятини янада активлаштиришимиз керак бўлади.

— Николай Никифорович, «Советская Россия» газетасининг «социалистик мусобақа кундалиги» саҳифаларидан бирида биз Иваново тўқимачилари билан Тошкент, Москва ва Владимир областлари меҳнаткашлари ўртасида тузилган шартнома ҳақида ва биринчи беш йилликлар қаҳрамонлари Виноградовалар номидаги мукофот лауреатлари бўлган тўқимачилар ва йигирувчилар ўртасида 1974 йилда юксак меҳнат кўрсатгичига эришиш йўлидаги меҳнат мусобақаси ҳақида ёзган эдик. «Минглар шартномаси» қатнашчиларининг бу ташаббуси тармоқ штабида қандай баҳоланди? Биринчи беш йилликларда Евдокия ва Мария Виноградовалар томонидан бошлаб берилган социалистик мусобақа анъаналари ҳозирги шароитда қандай ривожланмоқда?

— Биринчи беш йилликлар даврида кўп станокчиларнинг ажойиб ҳаракати вужудга келган, Евдокия ва Мария Виноградовалар бу ҳаракатнинг ташаббускорлари бўлиб чиққан эдилар. Эндиликда ана шу меҳнат эстафетасини минглаб тўқимачилар давом эттирмоқда, нормаларни «бузиб», кўплаб станокларни бошқармоқдалар. Эндиликда Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари В. Плетнева, З. Пухова, Б. Жўраева, Л. Казанцеваларнинг номи бутун Иттифоқимизга машҳур ва маълум. Ўзбекистонлик тўқимачилар бу соҳада айниқса яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчилари Л. Казанцева ва Е. Губина ҳозир нормадаги 16 ўрнига 64 станокда ишламоқда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Б. Жўраева нормадаги 1150 ўрнига 2400 та урчуқни бошқариб, ҳар йили икки йиллик топшириқни бажармоқда. Яқинда уч машҳур қаҳрамон Елена Амосова, Буолма Жўраева ва Анастасия Ерофеевалар янги ташаббус бошлаб бердилар. Улар ўзаро шартнома тузиб бир йилда икки йиллик план ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар. Ҳозир енгил саноатимизнинг жуда кўп илғорлари ана шу уч қаҳрамон ташаббусига қўшилиб, ўз ихтиёрига кўпроқ станокларни олиб ишламоқда. «Минглар шартномаси» қатнашчилари ишини координациялаш бўйича Марказий кенгаш Енгил саноат министрлиги тармоғидаги илғорлар тажрибасини мунтазам ўрганиб бориб, уни кенг ёйиш тадбирларини кўрмоқда.

Буларнинг ҳаммаси яхши натижалар бермоқда. Масалан, Москвадаги Петр Алексеев номидаги майин мовут комбинатининг ишчилари илғор коллективларнинг тажрибаси ва Марказий кенгаш тавсияномаларини ўрганиб чиқиб, 1974 йилга белгиланган планларини 20 процент оширишга қарор қилдилар. Улар маҳсулот реализацияси ҳажмини 31,7 процент кўпайтириш тадбирларини белгиладилар. Бошқача айтганда, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига беш йиллик охирига мўлжалланган маррани шу йилдаёқ эгаллашга сўз бердилар.

— Илгари айтганингиздек, «Минглар шартномаси» миллионлаб меҳнаткашларнинг халқ хўжалигини планли равишда бошқаришни такомиллаштириш ишида актив ва ижодий қатнашишига имкон берди. Бу тармоқ штабининг КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг саноатни бошқаришни янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисидаги қарордан келиб чиқадиган вазифаларни ҳал қилишда қандай ёрдам бермоқда? Енгил саноатда йирик хўжалик ҳисобидаги бирлашмаларнинг ташкил этилиши «Минглар шартномаси» қатнашчилари олдида қандай янги имкониятлар очади?

— Енгил саноатда эндиликда маҳсулот сифатини ва унинг ассортиментини яхшилаш бош вазифа бўлиб турган бир пайтда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Ихтисослаштириш ҳар бир корхонага тегишли фойда келтирибгина қолмай, у халқ истеъмоли товарлари сифатини кўтаришнинг ишончли йўли ҳамдир. Биз бундан буён ҳам корхоналарни ихтисослаштиришни кенгайтириб бораверамиз. Ҳозирги кунда енгил саноатимиздаги 315 та ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз атрофида 1300 дан ортиқ корхонани бирлаштириб турибди. Улар енгил саноат маҳсулотининг 26 процентдан ортиғини ишлаб чиқармоқда.

Бу йил эса яна 250 та янги бирлашмалар ташкил этиш кўзда тутилган. Беш йиллик охирига бориб, 104 бирлашма фақат бир хилдаги буюмларни ишлаб чиқаришга, 52 та бирлашма эса икки хилдаги буюмларни тайёрлашга ихтисослаштирилади.

Ҳозирги кунда енгил саноат тармоғи 35 минг хилдан ортиқроқ турдаги товарларни ишлаб чиқармоқда. Уларнинг учдан бир қисми эса янги фасон ва моделдаги буюмлардир. Ўтган йили тармоғимизда ишлаб чиқарилаётган 3 мингдан ортиқ хилдаги буюмларга давлат Сифат белгиси берилди. Лекин шуни айтиш керакки, Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажми ҳали жуда кам. Биз бутун диққат-эътиборимизни халқимиз жон-дили билан олиб киядиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва Сифат белгиси олган маҳсулотларнинг ҳажми ва турини кўпайтиришга қаратмоғимиз керак. Бунинг учун ҳозир министрлик катта тадбирий чораларни кўрмоқда. «Минглар шартномаси» қатнашчилари ҳам ўзларининг бутун куч ва эътиборларини ана шу масалага қаратишлари керак.

— Николай Никифорович, матбуотда алоқадор корхоналар ўртасидаги социалистик мусобақани ташкил қилиш практикасини такомиллаштириш ҳақида қатор таклифлар айтилди. Бу ҳақда сиз қандай фикрдасиз?

— Тўпланган тажрибани алоҳида эътибор билан ўрганиш керак. Қимматли ташаббусларнинг кенг ёйилишига ҳар томонлама ёрдам бериш зарур. Илғор тажриба ва қимматли ташаббуслар ҳозир ҳар куни ҳар бир корхонада туғилиб турибди. Мен бу ўринда «Минглар шартномаси» қатнашчилари бўлган Ленинграддаги «Большевичка» бирлашмаси билан унга алоқадор бўлган корхоналар коллективлари ўртасидаги мусобақада тўпланган тажриба ҳақида гапирмоқчи эдим. Бу ерда ташкил этилган кенгаш мусобақани мана бундай якунлайди: коллектив ўз зиммасидаги топшириқларни қандай адо этди-ю, алоқадор корхоналар билан ўзаро олинган мажбуриятларни қандай бажарди? Натижалар шу жиҳатдан баҳоланади. Бундан ташқари Тельман номли комбинат янги хил газлама ишлаб чиқаришни ўзлаштирдими? «Пассаж» савдо фирмаси янги пальтоларнинг савдо ўргазмасини ташкил этдими? Модалар уйи бир-икки йил илгарига мўлжалланган модаларга эгами? «Большевичка» бирлашмаси Сифат белгиси олган буюмлар ишлаб чиқаряптими? Кенгаш иш якунига ана шу нуқтаи назардан ёндашади. Мусобақа якунларига бундай ижодий ёндашиш ютуқларни яна ҳам кўпайтириш имконини бермоқда. Бу ерда мусобақанинг ленинча принциплари, таққослашнинг ленинча тушунчалари намоён бўлмоқда. Бу принцип бир мақсад йўлида бирлашган ва ўзаро ҳамкорлик қилаётган корхоналар ўртасида мусобақалашиш ва унинг якунларини таққослаш имконини ҳам беради.

Алоқадор корхоналар, ташкилотлар ва саноат тармоқлари коллективлари ўртасидаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва унинг сифатини яхшилашга қаратилган ижодий ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида биз СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг Дипломлари ва пул мукофотларини таъсис этишни таклиф қиламиз. Бу мукофотлар илғор коллективларни ҳамкорликда ишлаб, халқ истеъмоли молларининг сифатини янада яхшилашларида катта рағбатлантирувчи кучга эга бўлади.

ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР САРИ

НАХИЧЕВАНЬ АССРГА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

НАХИЧЕВАНЬ, 21 февраль. **(ТАСС мухбири).** Бугун бу ерда Нахичевань область партия комитети билан Нахичевань АССР Олий Советининг Нахичевань Автоном Совет Социалистик Республикасига Халқлар дўстлиги орденини топширишга бағишланган қўшма тантанали мажлиси бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. Алиев мажлис қатнашчиларини ва улар орқали республиканинг барча меҳнаткашларини КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев номидан юксак мукофот билан қизғин ва самимий қутлади.

Г. А. Алиев айтдики, ўтмишда Нахичевань ўлкаси чор Россиясининг четка қолоқ ўлкаларидан бири эди. Совет ҳокимияти меҳнаткашларни асрий зулмдан озод қилди, қашшоқлик ва қолоқлик исканжасидан қутқазди.

1924 йилдагига — Нахичевань АССР ташкил этилган йилдагига нисбатан саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 150 баравардан зиёд кўпайди. Ирригация туфайли экин майдонларининг 80 процентидан кўпроғини суғориладиган ерлар ташкил этади, республикадаги ҳар уч кишидан бири ўқимоқда. Нахичевань АССР меҳнаткашлари бу муваффақиятларга Ватанимиздаги барча қардош республикаларнинг доимий мадади ва ёрдами туфайли эришдилар.

А. Г. Алиев СССР Олий Совети Президиумининг Нахичевань АССРни Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб берди ва мажлис аҳлининг гулдурос қарсаклари остида орденни республика байроғига тақиб қўйди.

Сўзга чиққан нотиқлар юксак мукофот учун самимий миннатдорчилик изҳор этиб, республика меҳнаткашлари совет халқларининг ленинча дўстлигини кўз қорачиғидек асрайдилар ва мустаҳкамлайдилар, фидокорона меҳнатлари билан Ватанимиз бойлигини кўпайтирадилар ва шон-шуҳратини оширадилар, деб КПСС Марказий Комитетини, СССР Олий Совети Президиумини, Совет ҳукуматини ишонтирдилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

ЯҲУДИЙЛАР АВТОНОМ ОБЛАСТИГА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

БИРОБИЖАН, 21 февраль. (ТАСС мухбири). Яҳудийлар автоном области байроғидаги Ленин ордени ёнига Халқлар дўстлиги ордени тақиб қўйилди. КПСС область комитети билан меҳнаткашлар депутатлари область Советининг бугун бўлиб ўтган қўшма тантанали мажлиси ана шу воқеага бағишланди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Хабаровск ўлка партия комитетининг биринчи секретари А. К. Черний КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев топширувига мувофиқ тўпланганларни, автоном областнинг барча меҳнаткашларини юксак мукофот билан қизғин ва самимий табриклаб, партия XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга оширишда янги муваффақиятлар тилади.

А. К. Черний Яҳудийлар автоном областини Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб берди ва орденни область байроғига тақиб қўйди.

Сўзга чиққан нотиқлар юксак мукофот учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга самимий миннатдорчилик изҳор этдилар ва тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга муносиб ҳисса қўшамиз, деб ишонтирдилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Б. Р. РАҲИМОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЭКОНОМИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Партия органларида кўп йил ва бенуқсон ишлаганлиги, республика халқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Коммунистик партияси Андижон область комитетининг биринчи секретари Бектош Раҳимович **Раҳимовга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1974 йил, 22 февраль.
Тошкент шаҳри.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

НУКУС, 22 февраль. (ЎзТАГ). 567-Хўжайли қишлоқ сайлов округидан СССР Олий Советига депутат — ТАСС бош директори Леонид Митрофанович Замятин «Шуманай» пахтачилик совхозининг клубида сайловчилар билан учрашди.

Учрашувда Шуманай район медицина бирлашмасининг врачи Ж. Исаев, 50-механизациялашган кўчма колонна ишчиси У. Абдурасулиев, Менделеев номидаги ўрта мактаб муаллими П. Давжалилов, «Шуманай» совхози ишчилар комитетининг раиси Х. Мамбетназаров, Шуманай район ижроия комитетининг раиси К. Юсупов сўзга чиқдилар. Улар КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати округ сайловчиларининг меҳнат ғайратини ва сиёсий активлигини кучайтириб юборганлигини гапириб бердилар. Сўзга чиққанлар депутатга бир қанча наказлар беришди.

Л. М. Замятин сайловчиларнинг саволларига жавоб берди, СССР Олий Советининг фаолияти ҳақида гапирди. У ўз нутқида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати КПСС XXIV съезди белгилаб берган Тинчлик программасини қандай амалга ошираётганликлари ҳақида гапириб берди.

НАМАНГАНЛИКЛАРНИНГ МАРРАЛАРИ

НАМАНГАН, 22 февраль. (ЎзТАГ). Бу ерда Наманган область қишлоқ хўжалиги илғорларининг қурултойи бўлиб ўтди. Область ижроия комитети раисининг ўринбосари А. Тўйчиев белгиловчи йилда қишлоқ меҳнатчиларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Қурултой қатнашчилари социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг олтин юбилейи йилида 450 минг тонна «оқ олтин» етиштириб, давлатга сотишга аҳд қилинди. Ҳосилдорлик гектар бошига 33,8 центнерга етказилади. Бу эса ўтган йилдагидан 2 центнер кўпдир. Пахтанинг камида 55 проценти машинада териб олинади. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари бўйича ҳам юксак мажбуриятлар олинди.

Қурултойда Наманган область партия комитетининг биринчи секретари М. Иброҳимов нутқ сўзлади.

Қурултой ишида наманганликлар билан мусобақадош Андижон ва Фарғона областларининг вакиллари иштирок этдилар.

А. А. ГРОМИКОНИНГ ИТАЛИЯГА ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Италия ҳукуматининг таклифига биноан 1974 йилнинг 18 февралидан 22 февралигача расмий визит билан Италияда бўлди. Италия Республикасининг президенти Ж. Леоне ва Италия Министрлар Советининг Раиси М. Румор уни қабул қилдилар. Италия ташқи ишлар министри А. Моро билан музокаралар бўлиб ўтди. Бу музокараларда: Совет томонидан — СССРнинг Италиядаги элчиси Н. С. Рижов, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси Ю. В. Дубинин, СССР ташқи ишлар министрининг ёрдамчиси В. Г. Макаров, СССР Ташқи ишлар министрлиги бошқармасининг бошлиғи А. Л. Адамишин; Италия томонидан — ташқи ишлар министрининг ўринбосарлари М. Педини ва Ч. Бенси, Ташқи ишлар министрлигининг Бош секретари Р. Гайя, Италиянинг СССРдаги элчиси П. Винчи, Ташқи ишлар министрлиги маҳкамаларининг бошлиқлари Р. Дуччи ва Ч. Гуаццарони қатнашдилар.

Суҳбатлар ва музокаралар чоғида ҳар икки томонни қизиқтирувчи кўпгина масалалар хусусида фикрлашиб олинди, музокаралар ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар характерига мос келадиган дўстона ва ишчанлик вазиятида ўтди.

Томонлар маслаҳатлашиб туриш тўғрисида 1972 йилда тузилган Совет — Италия протоколининг амалга оширилиши муҳим роль ўйнашини қайд этдилар ва кескинликни янада юмшатиш, Европада ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, шунингдек Совет—Италия алоқаларини чуқурлаштириш манфаатлари йўлида мана шу протоколдаги имкониятлардан янада самарали фойдаланиш керак, деган фикр билдирдилар.

Томонлар қуролсизланиш масалаларини муҳокама қилганда қуролланиш пойгасини тўхтатиш ҳамда ядро қуролини, шунингдек оддий қурол турларини қаттиқ ва самарали халқаро назорат остига олувчи ялпи ва батамом қуролсизланишни амалга ошириш таъсирли чораларининг кўрилиши кескинлик юмшаши ва тинчлик мустаҳкамланишининг зарурий шартидир, деган бир фикрда бўлдилар. Улар манфаатдор барча давлатларнинг қатнашувида қуролсизланиш юзасидан жаҳон конференциясини ўтказиш йўлини очмоқ учун куч-ғайрат сарфлашга розилик билдирдилар.

Томонлар ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома муштарак аҳамиятга эга ва унга барча давлатларнинг дарҳол қўшилиши муҳим деб таъкидладилар.

Томонлар Совет—Италия муносабатларининг турли жиҳатларини муҳокама қилдилар ва савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий соҳалардаги алоқа ва мулоқотлар ривожланишига оид ишларнинг аҳволидан ўзаро мамнун эканликларини айтдилар. Улар мана шу соҳаларда икки мамлакат ўртасидаги мавжуд алоқаларга янги мадад бериш зарур деб топдилар.

Министрлар СССР билан Италия ўртасида илмий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ҳамда Италияда Совет консуллик муассасалари ва СССРда Италия консуллик муассасалари тўғрисидаги протоколни имзоладилар. Шу протоколга кўра, Миланда СССРнинг Бош консулхонасини ва Ленинградда Италиянинг Бош консулхонасини очиш кўзда тутилади. Шунингдек, Совет — Италия консуллик конвенциясини ратификациялаш тўғрисидаги ёрлиқлар алмаштирилди.

СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Италия ташқи ишлар министри А. Морони расмий визит билан Совет Иттифоқига келишга таклиф қилди. Бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди. Визит муддатлари дипломатия йўли билан келишиб олинади.

А. А. ГРОМИКО А. ФАНФАНИ БИЛАН УЧРАШДИ

РИМ, 21 февраль. (ТАСС махсус мухбири). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико бугун Италия христиан-демократик партиясининг сиёсий секретари сенатор А. Фанфани билан учрашиб, суҳбатлашди. Дўстона характерга эга бўлган суҳбат чоғида Совет Иттифоқи билан Италия ўртасидаги муносабатларнинг турли жиҳатлари тилга олинди.

А. А. ГРОМИКО РИМДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

РИМ, 22 февраль. (ТАСС махсус мухбири). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Италияга қилган расмий визитини тамомлагандан кейин бугун Москвага жўнаб кетди.

Италия ташқи ишлар министри А. Моро ва Италиянинг бошқа расмий кишилари, шунингдек СССРнинг Италиядаги элчиси Н. С. Рижов аэродромда А. А. Громикони кузатиб қолдилар.

А. А. Громико учиб кетиш олдидан бундай деди: биз Италиянинг давлат арбоблари билан суҳбат ва музокараларимизни тамомладик. Бўлиб ўтган учрашувларнинг натижаларидан мамнун эканлигимизни билдираман. Бу учрашувлар ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга, СССР билан Италия давлат арбоблари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга муайян ҳисса қўшади, деб ўйлайман.

Италия ташқи ишлар министри А. Морони Совет ҳукумати СССРга визит билан келишга таклиф қилганлигини А. А. Громико эслатиб ўтди. У СССР Олий Совети Президиуми Италия республикасининг президенти Ж. Леонени СССРга визит қилишга таклиф этганлигини мамнуният билан айтиб ўтди. Ҳар иккала таклиф ҳам қабул қилинди.

А. Моро эса А. А. Громико визитидан қаноатланганлигини айтди. Бу визит, деди у, Совет Иттифоқи билан Италия ўртасида барча соҳаларда муносабатларни яхшилаш ва кенгайтириш ишида, ҳар икки мамлакат ўртасида катта ишонч ва ҳамкорликка эришишда дуруст натижаларга олиб келади, деб ҳисоблайман.

СОВЕТ — ИТАЛИЯ МУЗОКАРАЛАРИ ТУГАДИ

РИМ, 21 февраль. (ТАСС махсус мухбири). Бугун Римда Совет — Италия музокаралари тугади. Якунловчи учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Италия ташқи ишлар министри А. Моро актуал халқаро проблемаларни, шунингдек Совет—Италия муносабатларини янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилдилар.

Музокаралар самимият ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

А. А. ГРОМИКО ИТАЛИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

РИМ, 21 февраль. (ТАСС махсус мухбири). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико бугун Италия Коммунистик партиясининг раҳбарлари билан учрашди. Учрашув чоғида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Италия Коммунистик партияси ўртасидаги муносабатларнинг қардошлик руҳини ифодаловчи самимий, дўстона суҳбат бўлиб ўтди.

Суҳбатда ИКП Раиси Луиджи Лонго, ИКП Бош секретари Энрико Берлингуэр, ИКП Сиёсий бюросининг аъзоси Агостино Новелла ва ИКП Марказий Комитети аъзоси Сержо Серге, шунингдек КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, СССРнинг Италиядаги элчиси Н. С. Рижов иштирок этдилар.

ПАПА ПАВЕЛ VI БИЛАН УЧРАШУВ

ВАТИКАН, 22 февраль. (ТАСС махсус мухбири). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико расмий визит билан Италияда бўлган чоғида 21 февраль куни Ватиканга бориб, Папа Павел VI билан учрашди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида тинчликни сақлаш ва халқаро кескинликни юмшатишга доир масалалар муҳокама қилинди.

ГУЛЧАМБАР ҚЎЙИШГА РУХСАТ БЕРИЛМАДИ

Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар министрлиги империализмга ва реакцияга қарши, Хитойни озод қилиш учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган совет жангчилари қабрига Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 56 йиллиги кунида гулчамбар қўйиш мақсадида СССРнинг Хитойдаги элчихонаси вакилларига Шэньян, Харбин, Чанчунь, Дальний ва Ухань шаҳарларига боришга рухсат бермади. (ТАСС).

СИРДАРЁ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ГУЛИСТОН, 22 февраль. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда меҳнаткашлар депутатлари Сирдарё область Советининг сессияси бўлиб ўтди. Сессия область ижроия комитетининг 1973 йилги ҳисоботини ва Ўзбекистон ССР ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан белгилаган тадбирларини муҳокама қилди.

Сессия ташкилий масалаларни қараб чиқди. В. А. Хайдуров бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан у область ижроия комитетининг раиси вазифасидан озод қилинди. Бундан илгари область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келган И. Қўчқоров меҳнаткашлар депутатлари Сирдарё область Совети ижроия комитетининг раиси қилиб, В. А. Рассохин область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари қилиб сайланди.

ЯНГИЕРГА — ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

ЯНГИЕР, 21 февраль. (ЎзТАГ). Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғи Янгиер шаҳрига тантанали вазиятда топширилди. Бу байроқ Янгиер шаҳрига 1973 йилги халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг республика социалистик мусобақаси якунлари бўйича берилган эди.

Шаҳарга Қизил байроқни Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров топширди.

ЎЗБЕКИСТОН Ахборот

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

Шаҳар музейи

Наманган шаҳар ўлкани ўрганиш музейи бўлимлари яна кенгайди. Ўтмиш, ҳозир ва келажак ҳақида ҳикоя қилувчи бўлимлар ўн тўрттага етди. Музейда «Республикамиз эллик йил ичида» деб номланган янги бўлим очилди. Бу бўлимдаги материаллар граждандар ва Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, колхоз тузумининг ветеранлари, район меҳнаткашларининг Коммунистик партия раҳбарлигида қўлга киритган ютуқлари ҳақида маълумот беради.

Қ. МАЛИКОВ.

Янги кинотеатр

Косон қишлоғининг шаҳарга айлантирилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин янги шаҳар қиёфаси кун сайин ўзгариб, ободонлашмоқда. Қисқа вақтда бир неча уй-жой бинолари, икки қаватли универмаг қуриб фойдаланишга топширилди. Шаҳар кўчаларига асфальт ётқизилди, хонадонларга водопровод ўтказилди.

Яқинда шаҳардаги 28-механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари 400 томошабинга мўлжалланган кинотеатр биносини қуриб битказдилар. Унга «Октябрь» номи берилди.

Н. АЛЛАЁРОВ.

Деҳқонлар мактаби

Хива қишлоқ хўжалик техникуми ҳузурида область колхоз ва совхозлари бригада бошлиқлари ва механизаторларнинг бир ойлик ўқиши бошланди. Пахтакор ва шоликор хўжаликларнинг бригада бошлиқлари ҳамда механизаторлари бу ерда қишлоқ хўжалик экономикаси, Хоразм области шароитида пахтадан ва шолидан юқори ҳосил етиштириш омиллари тўғрисида мазмунли лекция ва суҳбатлар тингламоқдалар. Деҳқонлар мактаби тингловчиларига илмий ходимлар, агрономлар ва бошқа мутахассислар дарс бераётир.

А. ЭШМАТОВ.

Омади келди

Андижонлик Зуҳриддин Аҳмадалиев оиласида қувонч. 1966 йилда чиқарилган 3 процентли давлат ички ютуқлари заёмининг 31 серия, 149360 номерига катта пул ютуғи чиқди.

Н. ИНОҚОВ.

* * *

Редакциямизга тошкентлик **Б. Баҳромов, Б. Сайдалиев,** наманганлик **Б. Маҳмудов,** хоразмлик **Б. Матёқубов, М. Тўлибоев,** фарғоналик **А. Довулов, Р. Мамадалиев, Э. Соҳибоев, Н. Ҳидиров, Е. Иброҳимова, Э. Топибодиев,** қозоғистонлик **Т. Мамадалиев,** сирдарёлик **Т. Абдуллаев, М. Аминов,** челябинсклик **Н. Крохин,** қашқадарёлик **А. Ҳаимов,** андижонлик **А. Мамадалиев** ўртоқлар ҳам хушхабарлар йўллашган.

Кўркам бинолар

Республикамиз пойтахтининг жамоли йил сайин чирой очмоқда. Турнақатор уй-жой бинолари, кенг ва равон кўчалар барпо этилмоқда. Тошкентнинг кўркамлашувига 159-трестнинг тўққизинчи қурилиш бошқармаси азаматлари ҳам муносиб ҳисса қўшяптилар. Алоқа электротехника институтининг студентлари учун қуриб берилган ҳар бири 850 ўринли қўш ётоқхона, электрон ҳисоблаш лабораторияси ҳамда 88 оилага мўлжалланган тўрт қаватли икки бинони фойдаланишга топширишда мазкур трестнинг бунёдкорлари ғайрат кўрсатдилар. Шу кунларда 36 квартирали салобатли бинони муддатидан олдин битказиш учун қизғин иш олиб борилмоқда.

Биринчи уйсозлик комбинатининг бунёдкорлари эса кўп-қаватли бинолар қуришда ибрат кўрсатишяпти. Улар қураётган уй-жойлар Марказ-6 кварталини тобора кўркамлаштирмоқда. Ҳозирги кунда тўққиз қаватли 54 квартирали бино фойдаланишга топшириш учун тахт қилиб қўйилди. Янги бинолар атрофини кўкаламзорлаштиришга ҳам алоҳида эътибор бериляпти.

Аср тенгдоши

Адолат бувидан узоқ умр кўришнинг асосий сабаби нимадалигини сўрасангиз, у кулиб:

— Аввало серҳаракатликда, меҳнатсеварликда, қолаверса турмушимизнинг тинч ва фаровон кечаётганида, — дейди мамнунлик билан. Аср тенгдоши Октябрь революциясига қадар кечган умрини тан олмайди. 33 йиллик умри паранжи ва чачвонга ўралган ҳолда зое кетганига ачинади.

Юзинчи марта саратон сувидан баҳраманд бўлган онахоннинг бағрида 4 қизи ва 3 ўғли бор. Тўнғичи 75 баҳорни кўрган. 70 дан ортиқ невара-чеваралари ўқиб, билим олмоқдалар, меҳнат қилиб эл-юрт бойлигига-бойлик қўшмоқдалар. Шу боисдан ҳам Тошкентнинг биринчи Белинский кўчасидагилар Адолат бувини табаррук онахонлардан деб биладилар.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

Тилсиз ёв

Улуғ Ватан уруши бошланганда немис фашист босқинчиларига қарши жанг қилиш учун кўнгиллилар қатори отланган тошкентлик Собир Зокиров Москва остоналаридан Берлингача бўлган зафарли йўлни босиб ўтди. Аммо, ғалабага саноқли кунлар қолганда ўнг оёғидан ажралди. 1945 йил уйига қайтди. Тағин тинч турмуш — меҳнат фронтида тер тўка бошлади.

Кейинги пайтларда собиқ жангчининг чап оёғи тез-тез оғрийдиган бўлиб қолди. У врач-мутахассисларга мурожаат қилганда оёғининг бош бармоғида уруш асорати — тилсиз ёв борлиги маълум бўлди. Ортопедия илмий-тадқиқот институтининг ходими Т. Юсупов йиллар давомида эт билан тери орасида яшириниб ётган осколкани операция йўли билан олиб ташлади.

С. СУЛТОНОВ.

МАМНУН нигоҳли бу қизлар опа-сингил Сабоҳат ва Саодат Убайдуллаевалар. Улар ҳам бухоролик тенгқурлари қатори тўқувчилик касбига ихлос қўйганлардан. Тошкент, Фарғона корхоналарида ишбилармон ва серғайрат тўқувчи опаларидан касб ўрганиб қайтишган. Бугунги кунда олтин қазиб чиқарувчилар, кимёгарлар, оловкорлар, энергетиклар даргоҳи Бухоронинг йирик тўқимачилик марказига айланишига муносиб ҳисса қўшяптилар. Ип газлама комбинатида ишлаб чиқарилаётган сержило газламаларга Убайдуллаевалар сингари чаққон қизларнинг меҳнати сингмоқда.

Ҳ. Носиров фотоси.

Волейбол

Олий лига вакиллари — волейболчи қизлар мамлакат чемпионати мусобақаларининг ҳал қилувчи дамлари яқинлашмоқда. Волейболчилар яқинда иккинчи тур учрашувларини ниҳоясига етказишди. Мамлакат чемпиони номи учун 12 коллектив ўзаро куч синашди.

ЯГОНА ЮТУҚ

Дастлабки тур ўйинларида «Искра» ва ЦСКА командалари пешқадамлик қилгандилар. Мусобақалар Ленинград ва Ворошиловград шаҳарларида ўтказилганлиги мухлисларга маълум. Челябинск шаҳридаги «Юность» саройида бир неча кун давом этган иккинчи тур мусобақалари ҳам қизғин ўтди. Ўтган йилги чемпионатнинг бронза медали совриндори — Ворошиловграднинг «Искра» волейболчилари энг кучли коллектив эканликларини намойиш қилдилар.

Москвалик динамочилар дастлабки тур ўйинларида беш учрашувнинг учтасида енгилишган эди. Динамочи қизлар иккинчи тур учрашувларини уюшқоқлик билан ўтказиб, рақибларини доғда қолдиришди. Одессалик бўлажак врачлар чемпионатда муваффақиятли қатнашишмоқда. Улар Ленинград ва Челябинскда ўйинларни бир текисда ўтказиб, динамочилар сингари 5 очко тўплашди. Марказий Армия спорт клуби волейболчилари ҳам иккинчи тур бўйича кучли бешликка кирганлардан. Армиячилар фақат Тошкентнинг «Автомобилист» ҳамда «Искра» коллективларидан енгилиб қолишди. Бокунинг «Нефтчи» командаси қизлари ҳам Челябинскда тўрт марта ғалабага эришдилар.

Киевнинг «Буревестник», Москванинг «Локомотив», Ленинграднинг «Спартак» командалари ҳисобида 5 тадан очко бор. Киевлик ва ленинградлик спартакчилар учтадан очко жамғаришган. Кейинги турда «Локомотив» ўз мухлисларини ранжитиб қўйди. Темирйўлчилар тўрт учрашувда муваффақиятсиз ўйнаб, бешинчи ўриндан икки поғона пастга тушишга мажбур бўлдилар.

Тошкентнинг «Автомобилист» командаси бу сафар мухлисларни мамнун этолмади. Олий лигачилар сафида учинчи марта куч синашаётган автомобилчилар бугунги кунда ёшарган командалардан бири саналяпти. Е. Шафенкова, Л. Ишмаева, А. Тишкевич, Г. Талерчик сингари тажрибали ўйинчилар ўрнини Л. Шульга, Е. Петрунина, З. Панара, Е. Неживих сингари ёш волейболчи қизлар эгаллашган. Состави жиҳатдан бирмунча ўзгарган «Автомобилист» олдинги тур ўйинларига қараганда Челябинскдаги учрашувларни жуда суст ўтказди: тўрт ўйинда кетма-кет мағлубиятга учради. Жумладан, Ленинграднинг «Буревестник» (2:3), «Спартак» (1:3), Бокунинг «Нефтчи» (0:3), Донецкнинг «Автомобилист» (1:3) командаларига қимматли очколарини бериб қўйди.

Волейболчиларимиз фақат ЦСКА командаси билан ўйинда бирмунча кескин ҳаракат қилдилар. Улар шу учрашувда ҳамжиҳатлик билан маҳорат кўрсатишди ва Челябинскда ягона ғалабага эришдилар. Фақат шу ютуқ эвазига волейболчиларимиз ҳисобидаги очколар учтага етди. Бу охирги учрашувдан кейин «Автомобилист» яна тўққизинчи ўринда қолди.

Шу кунларда волейболчилар навбатдаги учинчи тур ўйинларига қизғин тайёргарлик кўряптилар. Улар энди қаҳрамон шаҳар — Одессада куч синашадилар.

М. КАРИМОВ.

ПОЙТАХТ ТЕАТРЛАРИДА

Максим Горький номидаги рус Академик драма театри янги йил бошида томошабинларга бир йўла иккита янги асар тақдим этди. Булар А. Сухово — Кобилиннинг «Иш» сатирик драмаси ва Е. Шварцнинг «Яланғоч қирол» комедиясидир.

«Иш» пьесасида ўтган аср охирларида Россия шаҳарларидан бирида ин қурган бир гуруҳ порахўрларнинг кирдикорлари фош этилади.

Спектаклдаги асосий ролларни театрнинг етакчи артистлари — Ўзбекистон халқ артисти М. Любанский, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Е. Коваленко, В. Стрижов, В. Арзумановлар ижро этмоқдалар. Мазкур асарни театр режиссёри В. Стрижов саҳнага қўйди. Саҳнани РСФСРда хизмат кўрсатган рассом М. Новиновский безаган. Композитор А. Красотов асар руҳига мос музика танлаган.

СУРАТДА: шу комедиядан бир кўриниш.

К. Ромеев фотоси.

КЕСАКДАН ЎТ...

А. ВЕТРОВ.

ҲАЖВИЯ

Завод директорининг ёши қирқ тўққизга қадам қўйди.

Стол атрофида хизматчилар тартиб билан ўтиришибди. Ҳурматли ўринда йўғондан келган юбиляр.

Анчагина ҳорғин кўринган бош бухгалтер табрик сўзини бошлаб берди.

— Ўртоқлар,—деди ҳаммага таниш овоз билан, — ажойиб раҳбаримиз Стратон Петрович таваллудининг шонли эллик йиллик юбилейига яна бир йилгина қолибди. Бу биз учун катта байрам. Ҳаммамизнинг фикримиз, ҳаммамизнинг муваффақиятимиз мана шу қимматли ном билан чамбарчас боғланган...

Бош бухгалтер узоқ ва ёрқин нутқ сўзлади. У табрик қадаҳини кўтарганда, хизматчиларнинг ҳаммаси ўринларидан туриб, биргаликда чапак чалишди.

Директор илжайган ҳолда кулиб ўтирарди. Нимагадир унинг юзлари ўзгариб кетди: Стратон Петрович йиғилганлардан биттасининг чапак чалмаганини кўриб қолди. У плановик эди.

Кейин ҳамма кутган — кадрлар бўйича инспектор сўзга чиқди. У Подсевало лақабидаги машҳур киши бўлиб иккинчи номерли одам. Лаганбардорликда биринчи ўринни мана бир неча йиллардан бери бош бухгалтер эгаллаб келади.

Астроном Маренинг рўпарасида туришини истаганидек бизларнинг коллективимиз ҳам ўзларининг чуқур ҳис-туйғуларини ифода этиш учун мана шу кунни кутган эди...

Яна ўринларидан туришиб, чапак чалишди. Йиғилганлар бошлиқларининг нимадандир хафа бўлганлигини ва бунинг сабабини билиша олмай аввалгисига қараганда секингина чапак чалишди. Юзлари бўзрайган плановик ўрнида чўкиниб қўйди.

Директорнинг юзлари буришиб кетди.

Ниҳоят табрик нутқлари тугади.

Ҳамманинг нигоҳи ер остидан плановикка қаратилган эди.

Стол атрофида содир бўлган вазият ҳаммани қизиқ аҳволга солиб қўйди.

Плановик бирданига ўрнидан турди!

— Бу ерда нутқ сўзлаганлар, — деди у сукунатни бузиб, — директоримизнинг энг асосий характерли томони ҳақида лом-мим дейишмади. Раҳбаримизнинг яхши томонларини гапириш вақти етди. Мен уни жуда яхши биламан, шу сабабли гапирмай ўтира олмайман. Плановик пишиллай бошлаган Стратон Петрович томонга қараб қўйди-да, жаҳл билан галстугини тўғрилаб олди.

Директор ўсиқ қошларини чимириб, қизиқиш билан плановикка қаради.

— Стратон Петровичнинг камтарлигини, — дея сўзида давом этди у, — айниқса маош олган куни янада равшан билиш мумкин. У бизларга ўхшаб кассага урилмайди, пулни унга келтириб беришмагунча кабинетида жимгина ўтираверади. Трест бўйича камтарликда директоримиз чемпион десам бўрттириб гапирган бўлмайман! Ура, ўртоқлар!

Аччиқланиб, ҳасад қилаётган бош бухгалтер билан кадровикдан ташқари ҳамма ура дея хитоб қилиб, чапак чалишарди.

Ҳатто Стратон Петровичнинг ўзи ҳам қизишганидан ўрнидан туриб, чапак чаларди.

...Йиғилганларнинг ҳаммаси юбилярни осмонга кўтариб отишарди.

Русчадан Т. УНАБОЕВ таржимаси.

Ҳар тўғрида

Пластмассадан сўндиргич...

Автомашинанинг моторида ҳосил бўладиган товуш газ билан бирга глушитель — овоз сўндиргич орқали ташқарига чиқади. Ёниш натижасида — газнинг юқори ҳарорати ва намлик таъсирида сўндиргич тез-тез ишдан чиқиб туради.

Швед инженери Ф. Форшман сўндиргичини ўтга чидамли пластмассадан ясади. Янги товуш сўндиргич ўрнатилган автомашиналар Швеция йўлларида синаб кўрилганда, эскисига нисбатан анча чидамли эканлиги аниқланди. «Промконсульт» фирмаси мазкур сўндиргичларни ишлаб чиқариб, Швеция, Австрия ва Латин Америкаси бозорларида сота бошлади.

Тўрга илинган аждаҳо

Рангунлик икки балиқчи Иравади дарёсида балиқ овлаётганда тўрларига 6 метрли илон тушиб қолди.

Бирмада илонлар сероб бўлса ҳам рангунликлар бунақанги аждаҳо нусха илонни яқин йиллар ичида кўрмаган эдилар. Илонни Рангун ҳайвонот боғига олиб бориш учун унга аввал бир ой овқат бермасликка тўғри келди. Шунда ҳам ҳайвонот боғининг 15 хизматчиси уни аранг қафасга солди.

Фойдали тажриба

Япониядаги илмий-тадқиқот марказлари йўл ҳодисаларини камайтириш мақсадида турли тажрибалар ўтказмоқда. Масалан, Нагоя шаҳри мутахассислари машинадаги радиоприёмник шофёрнинг диққатини бўлиши мумкинлигини аниқладилар. Бошқа бир гуруҳ мутахассислар киши организмидаги биоритмик циклларга эътиборни тортадилар. Уларнинг таъкидлашича, бу цикллар организм реакцияларини белгиловчи омил бўлиб, цикл алмашинадиган пайт ҳайдовчи учун жуда хавфлидир.

Иложи топилди

Америка штатларидан бирида яшовчи 58 ёшли инженер-электрик Лоуренс Смит энергия танқислигидан қутилиш йўлини топди. У уйи яқинидан ўтадиган ариққа мўъжазгина электр станция қуриб олди. Ўрнатилган турбогенераторнинг қуввати 25 киловатт бўлиб, бир рўзғор учун етарли энергия бера олади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

25 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 17.50— ТОШКЕНТ. 17.55 — Кинофильм. 18.10 — Тележурнал. 19.00 — «Ахборот». 19.15 — Чувашистон АССРнинг муқобил плани — амалда (Москва). 20.30 — Оламда нима гап? 20.20 — Сирдарё ГРЭСининг беш куни. Биринчи кун. 20.40— Ўн минут музика. 20.50 — «Ахборот». 21.10 — Концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — **«Ҳазрати инсон»** (телеспектаклнинг биринчи қисми). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 12.05 — Гимнастика. 12.20 — Янгиликлар. 12.30 — Мультфильмлар. 13.00 — **Ҳайвонот оламида.** 16.05 — Сиз яратган боғ. 16.35 — Италия ҳақида эртаклар. 17.05 — Концерт. 17.35 — Янгиликлар. 17.45 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.05 — Спорт программаси. 19.25 — ТОШКЕНТ 19.45 — Телефильм. 20.00 — МОСКВА. 20.30 — **Беҳуда шов-шув** (фильм-спектакль). 22.00 — **Азимут** (Тошкент). 22.30 — Фильм-спектаклнинг давоми. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

26 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.10 — Мультфильм. 18.20 — Спорт программаси. 18.50 — Тошкент кўргазма заллари бўйлаб. 19.15 — Концерт. 19.40 — «Ахборот». 19.55 — Сирдарё ГРЭСининг беш куни. Иккинчи кун. 20.10 — Ўн минут музика. 20.20 — «Ахборот». 20.40 — Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети. 21.10 — Концерт. 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — Ўзбекистон Компартияси тарихи очерклари. 22.50 — Кино оламида. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.40 — МОСКВА. 17.45 — Қушларни муҳофаза этайлик. 18.10 — Бизнинг дарёлар. 18.35 — Спорт ҳақида суҳбатлар. 19.05 — Янгиликлар. 19.15 — Болалар учун кўрсатув. 19.30 — Композитор М. Блантернинг ижодий кечаси. 21.30 — Инсон ва қонун. 22.00 — Ҳужжатли фильмлар. 22.30 — «Оқ йўл». 00.15 — Спорт кундалиги. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Фильм-концерт. 19.30 — Бадиий фильм. 20.45 — Математика оламига саёҳат. 21.25 — Беш йиллик илғорлари.

27 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00— МОСКВА. 18.20 — ТОШКЕНТ. 18.30 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.00 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — «Ахборот» 19.30 — Ота-оналар университети. 20.00 — Сирдарё ГРЭСининг беш куни. Учинчи кун. 20.15 — Ўн минут музика. 20.25 — «Ахборот». 20.45 — «ОЛТИН ВОДИЙ». 22.00— «ВАҚТ». 22.30 — Юбилей йилида ишга тушириладиган объектлар йўқламаси. 22.50 — **Ҳалоскорлик** (бадиий фильмининг 3-серияси). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.35 — МОСКВА. 19.55 — Жаҳон халқлари ижоди. 20.25 — СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. Г. Афанасьев телетомошабинлар саволларига жавоб беради. 20.55 — **Сизнинг мухбирингиз** (Телеспектакль). 22.00 — «Здоровье» (Тошкент). 22.30 — Фильм-концерт. 23.50 — Спорт кўрсатуви. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Операдан ария ва саҳналар. 19.30 — Ўқитувчи экрани. 20.10 — **Любовь Яровая** (фильм-спектаклнинг 1-серияси).

28 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 17.40 — ТОШКЕНТ. 17.45 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.00 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 18.35 — Тележурнал. 18.45 — «Ахборот». 19.00 — Социалистик мусобақа кенг қулоч ёйсин. 19.25 — Сирдарё ГРЭСининг беш куни. Тўртинчи кун. 19.40 — Миллионлар ленинча университети (Москва). 20.00 — Тарас Шевченконинг ижодий портрети. 21.10 — «Ахборот». 21.30 — **Куйла, Санобар** (фильм-концерт). 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — **Дўстлик экрани.** ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 17.00 — МОСКВА. 19.40 — ТОШКЕНТ. 20.10 — МОСКВА. 20.50 — **Қора фаришталар** (бадиий фильмининг 1-серияси). 22.00 — Беш йилликнинг тўртинчи йили (Тошкент). 22.30 — Музикали учрашувлар. 23.10 — Спорт кўрсатуви. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — **Любовь Яровая** (фильм-спектаклнинг 2-серияси). 22.25 — Врач маслаҳати. 22.35 — Буюк совет композиторлари.

1 МАРТ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.40 — ТОШКЕНТ. 9.45 — Ўзбекистон комсомоли XX съездининг тантанали очилиши. 12.00 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.10 — Мультфильм. 18.25 — Сирдарё ГРЭСининг беш куни. Бешинчи кун. 18.45 — «Ахборот». 19.00 — Концерт. 21.00 — Ахборот. 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.50 — **Шамол** (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 17.10 — МОСКВА. 17.15 — Москвалик қиз. 18.45 — Рус тили. 19.30 Янгиликлар. 19.40 — Мультфильм. 19.55 — Социализм дунёси. 20.25 — Санъат усталари концерти. 20.55 — **Қора фаришталар.** (бадиий фильмининг 2-серияси). 22.00 — ТОШКЕНТ. 22.10 — Авлодлар учрашуви. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — **Довон** (бадиий фильм). 20.30 — Она шаҳрим — Тошкентим. 21.00 — Концерт. 21.45 — Илмий-оммабоп программа.

2 МАРТ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Кинофильм. 10.20 — **Телеминиатюралар.** 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Болалар учун кўрсатув. 11.40 — Мультфильмлар. 12.10 — Спорт кўрсатуви. 12.30 — Ота-оналар, сизлар учун. 13.00 — Концерт. 13.45 — «Здоровье». 14.30 — Концерт. 15.15 — «Шеърият». 15.30— Табиат ва инсон. 16.00 — Шу куннинг куйлари. 16.45 — ТОШКЕНТ. 16.50 — Мультфильм. 17.00 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 17.30 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуков телетомошабинлар саволларига жавоб беради (Москва). 18.15 — Болалар музикаси. 19.35 — «Ахборот». 19.50 — **Оламга саёҳат.** 20.40 — Ўн минут музика. 20.50 — «Ахборот». 21.10 — Социалистик мусобақанинг оммавийлиги. 21.25 — Концерт. 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — **Ҳалоскорлик** (бадиий фильмининг 4-серияси). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 16.45 — МОСКВА. 17.15 — Концерт. 17.30 — ТОШКЕНТ. 17.45 — **Февзи Белялов куйлайди.** 18.15 — МОСКВА. Мўъжизасиз мўъжизалар. 19.15 — Спорт кўрсатуви. 20.15 — Концерт. 20.45 — **Жўжани кузда санайдилар** (бадиий фильм). 22.00 — Ҳужжатли фильмлар. 22.30 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.15 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

3 МАРТ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — Концерт. 10.15 — Мультфильм. 10.30 — «Янгра, барабан». 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — «Будильник». 11.40 — Спорт программаси. 12.30 — Халқаро панорама. 13.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 14.00 — **Уни Лучо дердилар** (телефильм). 15.00 — Музикали киоска. 15.30 — Қишлоқ янгиликлари. 16.30 — ТОШКЕНТ. 16.35 — Қувноқ стартлар. 17.35 — Болалар музикаси. 19.25 — «Ахборот». 19.40 — Тасвирларда ҳаёт жилоси. 20.20 — «Ахборот». 20.40 — **Телеминиатюралар.** 21.20 — Ёш ижрочилар концерти. 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — Социалистик мусобақанинг ошкоралиги. 22.45 — **Ҳалоскорлик** (бадиий фильмининг 5-серияси). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 16.30 — МОСКВА. **Петр I** (бадиий фильмининг 1-серияси). 18.10 — Мультфильмлар. 18.40 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.45— **Киносаёҳатчилар клуби.** 20.40 — **Сизнинг мухбирингиз.** (телеспектакль). 22.00 — Киноэкран янгиликлари. 22.30 — Сизнинг фикр ва мулоҳазаларингиз. 22.30 — Спорт кўрсатуви. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.10 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/II да **Дилором,** 24/II да **Золушка** (кундузи), **Рус кишилари** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/II да **Абу Райҳон Беруний,** 24/II да **Парвона** (кундузи), **Шоҳ Эдип** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/II да **Хонума хоним,** 24/II да **Ҳижрон** (кундуз соат 12 ва 7 яримда), 25/II да **Тоғ гўзали**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЁШ ГВАРДИЯ ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/II да **Фидойи,** 24/II да **Биринчи бўса.**

КИНО

Темир ниқоб — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Инкогнито хоним — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), ҲАМЗА номли, «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Ўзбекистон радиоси коллективи Қорақалпоғистон АССР бўйича мухбир А. Искандаровга онаси

Тўхтиёз ҲУСАИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р. 02252. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. № 46.